

نبذة في العقيدة الإسلامية (شرح
أصول الإيمان) (لحرمين والجمعية)

ИСЛОМИЙ ЭЪТИҚОД
РИСОЛАСИ

Исломий эътиқод рисоласи

Муҳаммад ибн Солиҳ Усаймин

Исломий эътиқод ҳақида илмий асар

Шайх аллома

Муҳаммад ибн Солиҳ Усаймин

Аллоҳ у кишини, ота оналарини ва барча
мусулмонларни мағфират айласин!

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Муқаддима

Барча мақтовлар Аллоҳ таологагина хосдир.
Биз Унга

ҳамду санолар айтиб, тавба қиламиз ва
Ундан ёрдам ҳамда нафсимизнинг ва
амалларимизнинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз.
Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи,
адаштирганни эса ҳидоятловчи йўқдир.
«Шериксиз, ягона Аллоҳ

таолодан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад
соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва
элчисидир», деб гувоҳлик бераман. У зотга,
оилалари, саҳобалари ва уларга яхшилик билан

эргашган барчага Аллоҳнинг салавот ва саломлари бўлсин.

Тавҳид илми — илмларнинг энг шарафлиси, энг буюги ва энг зарурийсидир. Чунки у – Аллоҳ таолони, Унинг исмлари, сифатлари ва бандалари устларидаги ҳақларини билиш, демакдир.

Тавҳид илми — Аллоҳ сари бўлган йўлнинг калити ва шариатларнинг асосидир.

Шунинг учун ҳам пайғамбарлар тавҳидга даъват этишда яқдил бўлдилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونِ﴾
(25)

«(Эй Расулуллоҳ), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Мендан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, бас Менгагина ибодат қилинглар», деб ваҳий юборгандирмиз» [Анбиё: 25].

Аллоҳнинг яккалигига Аллоҳнинг Ўзи, Унинг фаришталари ва илм аҳллари гувоҳлик бердилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُوا الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾
(18)

«Аллоҳ адолат ила туриб, албатта, Ундан ўзга илоҳ йўқлигига шохидлик берди. Фаришталар ва илм эгалари ҳам. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Азиз ва Ҳаким Зотдир» [Оли Имрон: 18].

Тавҳиднинг эътибори шу даражада бўлгани учун ҳам, ҳар бир мусулмон ўз динида яхши самара ва натижаларга эришиши учун уни ўрганишга, бошқаларга ўргатишга, тадаббур ва эътиқод қилишга катта эътибор бериши лозим.

Аллоҳ ўзи тавфиқ берувчи.

Муаллиф

Ислом дини

Ислом — Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам билан юборган дин бўлиб, у билан динларни ниҳоясига етказиб, бандалари учун Исломни ва неъматларини комил қилиб, Исломни дин деб рози бўлди. Шунинг учун бандадан Исломдан бошқа дин қабул қилинмайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا 40﴾

«Муҳаммад сизларнинг эр кишиларингизнинг биронтасининг отаси эмас.

Балки, у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнггисидир» [Аҳзоб: 40].

﴿...الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتِمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا...﴾

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида: 3].

﴿إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ...﴾

«Аллоҳнинг ҳузуридаги дин — Исломдир» [Оли Имрон: 19].

﴿وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ﴾
(85)

«Ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир» [Оли Имрон: 85].

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло барча одамларга Ислом дини билангина ибодат қилишларини фарз қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай хитоб қилди:

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ
لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ فَأَمُوتُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الَّذِي يُؤْمِنُ بِاللَّهِ
وَكَلِمَتِهِ وَأَتَّبِعُوهُ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ 158﴾

«Айтинг: «Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман. У шундай Зотки, осмонлар ва Ер Унинг мулкидир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг Ўзидир. Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига — Аллоҳ ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий пайғамбарга иймон келтирингиз ва унга эргашингиз — шояд ҳидоят топурсиз» [Аъроф: 158].

Саҳиҳ Муслимда Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَا يَسْمَعُ بِي أَحَدٌ مِنْ هَذِهِ الْأُمَّةِ يَهُودِيٍّ وَلَا نَصْرَانِيٍّ، ثُمَّ يَمُوتُ وَلَمْ يُؤْمِنْ بِالَّذِي أُرْسِلْتُ بِهِ إِلَّا كَانَ مِنْ أَصْحَابِ النَّارِ».

«Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасам-ки, ушбу умматдан на бир яҳудий ва на бир насроний менинг хабаримни эшитса-ю, кейин мен олиб келган динга иймон келтирмасдан вафот этса, албатта жаҳаннам аҳлидан бўлади», – дедилар.¹

¹ Имом Муслим (153).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган динга иймон келтириш эса, қуруқ тил билан эмас, балки уни қабул қилиш ва унга итоат этиш билан тасдиқлашдир. Шунинг учун ҳам, (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакиси) Абу Толиб мўмин бўлмади. Зеро, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган динни тасдиқлаган ва: «Бу дин — барча динлар ичидаги энг яхши диндир», деб гувоҳлик берган эди.

Ислом дини — аввалги динлар ўз ичига олган барча салоҳиятларни кафолатлаш билан бирга, ҳар бир замон, ҳар бир макон ва ҳар бир халққа салоҳиятли бўлиши билан ажралиб туради. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиб шундай деди:

﴿وَأَنزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ...﴾

«Сизга эса ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқловчи ва У (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик» [Моида: 48].

Исломнинг барча замон, макон ва халқларга салоҳиятли эканининг маъноси: «Уни қабул қилиш бирон замондаги халқлар манфаатига

зид эмас. Балки, уларнинг салоҳияти», демакдир. Унинг маъноси, баъзи одамлар тушунганидек, барча замон ва халққа бўйсунди, дегани эмас.

Ислом дини — ҳақ дин бўлиб, Аллоҳ таоло уни маҳкам ушлаганларга ёрдам беришга ва уни бошқалар устидан ғолиб қилишга кафолат берган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾ 9

«У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан — гарчи мушриклар истамасаларда — барча динларга ғолиб қилиш учун юборган Зотдир» [Софф: 9].

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾ 55

«Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-

хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди. Менгагина ибодат қилурлар ва Менга ҳеч нарсани ширк келтирмаслар. Шундан кейин ҳам ким куфр келтирса, бас, ана ўшалар, ўзлари фосиқлардир» [Нур: 55].

Ислом дини мукаммал эътиқод ва мукаммал шариатдан иборатдир.

1. Аллоҳ таолони яккалашга буюради ва ширкдан қайтаради.

2. Ростгўйликка буюриб, ёлғондан қайтаради.

3. У адолатга буюриб, адолатсизликдан қайтаради. Адолат — ўхшаш нарсаларни тенг қилиш ва фарқли нарсаларни ажратишдир. Адолат баъзи одамлар айтганидек мутлақ тенглик эмас. Кимдир: «Ислом дини — тенглик дини», деб мутлақ тенгликни назарда тутса, бу нотўғри. Чунки фарқли нарсаларни тенглаштириш Ислом дини олиб келмайдиган зулмдир. У ишни қилган инсон ҳеч қачон мақталмайди.

4. Омонатни сақлашга буюриб, хиёнатдан қайтаради.

5. Вафога буюриб, хиёнатдан қайтаради.

6. Ота-онага энг комил тарзда яхшилик қилишга буюради ва ота-онага оқ бўлишдан тияди.

7. Силайи раҳмга буюради (улар қавму қариндошлардир) ва қотъи раҳм (қариндош уруғчиликни узишдан) қайтаради.

8. Яхши қўшничиликка буюради ва ёмон қўшничиликдан қайтаради.

Хуллас, Ислом барча фазилатли хулқлар ва эзгу ишларга буюриб, барча пасткашлик ва ёмон ишлардан қайтаради. Шунингдек, ҳар қандай солих амалга буюриб, ҳар қандай ёмон амалдан қайтаради.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَنِ وَإِيتَايَ ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ﴾ (90)

«Албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтаради. У Зот шояд ибрат-эслатма оларсизлар, деб сизларга панд-насиҳат қилади» [Наҳл: 90].

Ислом рукнлари

Ислом рукнлари, яъни Ислом асосланадиган пойдеворлар, Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ушбу ҳадисда баён қилинганидек, бештадир:

«بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسَةٍ: عَلَى أَنْ يُؤَدَّ اللَّهَ - وَفِي رِوَايَةٍ عَلَى خَمْسٍ -: شَهَادَةٌ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنْ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءُ الزَّكَاةِ، وَصِيَامُ رَمَضَانَ، وَالْحَجَّ»

«Ислом беш устун устига қурилган: Аллоҳни яккалаш (бошқа бир ривоятда:

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бериш), намозни тўқис адо этиш, закотни бериш, Рамазон ойи рўзасини тутиш ва ҳаж қилиш». Шунда бир киши: «Ҳаж ва Рамазон рўзасими?» – деб сўради. Шунда Ибн Умар:

«لَا، صِيَامُ رَمَضَانَ، وَالْحَجَّ»

«Йўқ, Рамазон (ойи) рўзаси ва ҳаж» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай эшитганман», дедилар.¹

1. «Ла илаҳа иллаллоҳ ва Муҳаммадур-расулуллоҳ», деб гувоҳлик бериш – тил билан талаффуз ва қалб билан эътиқод қилиш,

¹ Имом Бухорий (8) ва имом Муслим (16).

демакдир. Гўё бу борадаги қатъий ишончи билан уни кўриб тургандай гувоҳлик беради.

Гувоҳлик берилган нарсалар кўп бўлсада, битта рукн деб саналди.

Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло динининг етказувчиси. У зотни банда ва пайғамбар деб шаҳодат келтириш «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» деган шаҳодатни тўлдирувчи бўлиб ҳисобланади.

Ёки бу икки шаҳодат амал саҳиҳ ва қабул бўлиши учун асос эканидир. Чунки амал Аллоҳга ихлос ва Расулуллоҳга эргашиш билангина тўғри ва қабул бўлади.

Демак, Аллоҳ таолога бўлган ихлос билан «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб

гувоҳлик бериш рўёбга чиқса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш билан «Муҳаммад — Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир», деб гувоҳлик бериш рўёбга чиқади.

Ушбу гувоҳлик самараларидан: қалб ва нафснинг махлуқларга кул бўлиш ва пайғамбарлардан бошқаларга эргашишдан озод бўлишидир.

2. Намозни тўқис адо этишга келсак — намозни ўз вақтида узлуксиз ва мукаммал адо этиш билан Аллоҳ таолога қуллик қилишдир.

Унинг самараларидан: бағри кенглик ва қувонч ҳамда беҳаёлик ва гуноҳ ишлардан тийилишдир.

3. Закотни беришга келсак — белгиланган-муайян миқдорга етган бойликдан белгиланган-муайян миқдорни бериш билан Аллоҳ таолога қуллик қилишдир.

Унинг самараларидан: нафсни разил хулқ бўлмиш хасисликдан поклаш ҳамда Ислом ва мусулмонлар эҳтиёжини қондиришдир.

4. Рамазон ойи рўзасини тутиш — Рамазон ойининг кундузида рўзани бузадиган барча нарсалардан тийилиш билан Аллоҳ таолога бўлган қулликни адо этишдир.

Унинг самараларидан: Аллоҳнинг розилиги учун сеvimли бўлган нарсаларни тарк қилиш билан нафсни чиниқтиришдир.

5. Ҳаж қилиш — ҳаж амалларини адо этиш учун Каъбатуллоҳга бориб Аллоҳ таолога ибодат қилиш.

Унинг самараларидан: Аллоҳ таолога итоат қилиш йўлида молиявий чиқим ва жисмоний кучни сарфлаш билан нафсни чиниқтиришдир. Шунинг учун ҳам ҳаж, Аллоҳ таоло йўлида қилинган жиҳод турларидан бири ҳисобланади.

Ушбу асосларга оид зикр этилган ва зикр этилмаган самаралар умматни пок ва соф Ислом умматига айлантиради; улар Аллоҳга ҳақ дин билан бўйсунадилар, махлуқотлар билан эса адолат ва ростлик асосида муомала қиладилар. Зеро, Исломнинг бундан бошқа қирралари, ушбу асослар ислоҳ бўлиши билангина ислоҳ бўлади. Умматнинг аҳволи динини қанчалик ислоҳ қилишига қараб ислоҳ бўлади. Диний ишларида қанча камчилик бўлса, умматнинг ҳолатларида ҳам шунча камчилик бўлади.

Бу сўзларнинг ҳақиқатини билмоқчи бўлган одам, Аллоҳ

таолонинг ушбу оятларини ўқисин:

﴿وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ الْقُرَىٰ ءَامَنُوا وَاتَّقَوْا لَفَتَحْنَا عَلَيْهِم بَرَكَاتٍ مِّنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ وَلَٰكِن كَذَّبُوا فَأَخَذْنَاهُم بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ 96 أَفَأَمِنَ أَهْلُ الْقُرَىٰ أَن يَأْتِيَهُمْ بَأْسُنَا بَيِّنًا وَهُمْ نَائِمُونَ 97 أَوَأَمِنَ أَهْلُ الْقُرَىٰ أَن يَأْتِيَهُمْ بَأْسُنَا ضُحًى وَهُمْ يُلْعَبُونَ 98 أَفَأَمِنُوا مَكْرَ اللَّهِ فَلَا يَأْمَنُ مَكْرَ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْخَاسِرُونَ 99﴾

«Агар қишлоқлар аҳли иймон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, Биз, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб қўяр эдик. Лекин улар ёлғонга чиқардилар, бас, уларни қилган касблари туфайли тутдик.

Қишлоқлар аҳли уларга Бизнинг бало-қазойимиз тунда, ухлаётган ҳолларида келишидан хотиржам бўлиб қолдиларми?!

Қишлоқлар аҳли уларга Бизнинг бало-қазойимиз чошгоҳ пайтида, ўйнаётган ҳолларида келишидан хотиржам бўлиб қолдиларми?!

Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлиб қолдиларми?! Аллоҳнинг макридан фақат зиён кўрувчи қавмгина хотиржам бўлур» [Аъроф: 96-99].

Ушбу ҳақиқатларни билмоқчи бўлган одам, ўтганларнинг тарихига назар солсин. Тарихда ақли ва қалбини моғор қопламаган кишилар учун ибратлар бор. Ҳақиқатни билишга Аллоҳ таолонинг Ўзи ёрдам берсин.

Ислом ақидасининг асослари

Ислом дини – зикр қилиб ўтганимиздек, эътиқод ва шариатдан иборатдир. Биз Ислом шариатининг бир қиррасига ишора қилиб, шариат асоси деб саналган руқнларинигина эслатиб ўтдик, холос.

Энди, Ислом эътиқоди ҳақида сўз юритсак, унинг асослари — Аллоҳ таолога, Унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, охират куни ҳамда тақдирнинг яхши ва ёмонига иймон келтиришдир.

Ушбу асосларни Аллоҳ таолонинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари баён қилган.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деди:

﴿لَيْسَ الْبِرَّ أَنْ تُولُوا وَجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِاللّٰهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّينَ...﴾

«Эзгулик — юзингизни мағриб ва машриққа буришингиз эмас. Балки, эзгулик Аллоҳ таолога, охират

қунига, фаришталарга, Қуръонга ва пайғамбарларга

иймон келтиришдир...» [Бақара: 177]. Тақдир ҳақида эса шундай деган:

﴿إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ 49 وَمَا أَمْرُنَا إِلَّا وَجْدَةٌ كَلَمْحٍ بِالْبَصَرِ 50﴾

«Албатта Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик.

(Яратмоқчи бўлган ҳар бир нарсамиз учун) Бизнинг фармонимиз фақат биргина (яъни, «Бўл», деган сўз)дир. (Бас, ўша нарса) кўз юмиб очгунча (йўқдан бор бўлур)» [Қамар: 49, 50].

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларида иймон ҳақида савол берган Жаброил алайҳиссаломга жавоб бериб:

«الْإِيمَانُ: أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ، وَمَلَائِكَتِهِ، وَكُتُبِهِ، وَرُسُلِهِ، وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَتُؤْمِنَ بِالْقَدَرِ: خَيْرُهُ وَشَرُّهُ».

«Иймон: Аллоҳ таолога, Унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, охират куни ҳамда тақдирнинг яхши ва ёмонига ишонишингиздир», дедилар.¹

Аллоҳ таолога иймон келтириш

Аллоҳ таолога иймон келтириш тўрт масалани ўз ичига олади:

Биринчи масала: Аллоҳ таолонинг борлигига иймон келтириш:

¹ Имом Муслим «Иймон» китоби (8) ва Абу Довуд «Суннат» китоби «Қадар» боби (4695).

Аллоҳ таолонинг мавжудлигига фитрат, ақл, шариат ва ҳиссий идрок далолат қилади.

Фитрат – Аллоҳнинг мавжудлигига далолат қилишига келсак: ҳар бир мавжудот табиатан (фитратан) Ўз яратганига ишонувчи қилиб яратилган, бу ишонч олдиндан ўйлаш ёки таълимсиз, табиий ҳолда юзага келади. Фақатгина, қалбига шу фитратдан буриб қўювчи бирор нарса тушган шахсгина фитрат талабидан оғиб кетади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«مَا مِنْ مَوْلُودٍ إِلَّا يُولَدُ عَلَى الْفِطْرَةِ، فَأَبْوَاهُ يَهُودَانِهِ أَوْ يُنَصِّرَانِهِ أَوْ يُمَجْسِسَانِهِ».

«Ҳар бир чақалоқ фитратда туғилади. Сўнгра ота-онаси уни яҳудий, насроний ёки мажусий (қилиб тарбия) қилади».¹

2. Аллоҳ таолонинг борлигига ақлнинг далолати: Махлуқотларнинг аввали-ю охиргиларининг яратувчиси — Холиқи бўлиши керак. Чунки улар ўзларини ўзлари яратишлари ёки тасодифан яралган бўлишлари мумкин эмас.

Улар ўзларини ўзлари ярата олмайдилар, чунки ҳеч бир нарса ўзини ўзи ярата олмайди.

¹ Имом Бухорий (1292) ва имом Муслим (2658).

Бунинг сабаби, у яралишдан аввал йўқ эди. Шундай экан, у қандай қилиб яратувчи бўла олсин?!

Махлуқлар тасодифан вужудга келиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир мавжуд нарсанинг вужудга келтирувчиси бўлиши керак. Чунки сабаблар ва сабаб қилинган нарсалар ҳамда коинотлар орасидаги хайратомуз низом, мос келувчи мувозанат ва боғлиқлик тасодифан вужудга келишини бутунлай инкор қилади. Чунки тасодифан пайдо бўлган нарсанинг вужудга келиши интизомсиз бўлгандан кейин, қандай қилиб яшаш ва ривожланиш ҳолатларида интизомли бўлсин?!

Махлуқлар ўзларини ўзлари вужудга келтира олмас ва тасодифан вужудга келмаган экан, демак уларни вужудга келтирувчи Зот бўлиши керак. У эса, Оламларнинг Рабби Аллоҳ таолодир.

Аллоҳ таоло бу ақлий далилни ва қатъий ҳужжатни «Тур» сурасида зикр қилиб деди:

﴿أَمْ خُلِفُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْخَلِفُونَ ۚ﴾ (35)

«Улар ҳеч нарсасиз яралдиларми? Ёки улар яратувчиларми?» [Тур: 35]. Аллоҳ таоло бу

оятда уларнинг яратувчисиз яралмаганлари ҳамда ўзларини ўзлари яратмаганларини баён қилди. Натижада, уларнинг яратувчиси Аллоҳ таоло экани маълум бўлди. Шу сабабдан, Жубайр ибн Мутъим разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Тур» сурасини қироат қилиб, шу оятларга етганларини эшитганида:

﴿أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْخُلُقُونَ 35 أَمْ خُلِقُوا السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بَلْ لَا يُوقِنُونَ 36 أَمْ عِنْدَهُمْ خَزَائِنُ رَبِّكَ أَمْ هُمُ الْمُصْطَبِرُونَ 37﴾

«Улар ҳеч нарсасиз яралдиларми? Ёки улар ўзлари яратувчиларми?

Ёки Осмонлар ва Ерни яратдиларми? Йўқ, улар ишонмаслар.

Балки уларнинг ҳузурларида Раббингизнинг хазиналари бордир, ёки улар ҳукмронмилар?!» [Тур: 35-37].

Ўша куни Жубайр разияллоҳу анҳу мушрик эди, шунда у: «Қалбим учиб кетаёзди. Ва бу, қалбимга иймон ўрнашган илк лаҳзалар эди», деди.¹

¹ Имом Бухорий (4854).

Буни ойдинлаштириш учун бир мисол келтирсак: Бир киши сизга остидан анҳорлар оқиб ўтадиган бўстонлар билан ўралган, гиламлар тўшалган, сўрилар қўйилган ва энг чиройли безаклар билан безатилган муҳташам қаср бор, у ўзини ўзи қуриб олган, ёки ўз-ўзидан тасодифан пайдо бўлган, деб айтса, сиз зудлик билан унинг сўзларини рад этишга, ёлғон ва бемаъни гап деб ҳукм қилишга шошиласиз. Шундай экан, Ер, Осмон ва сайёраларни ўз ичига олган ҳамда ҳайратомуз аҳволлари ва низоми бўлган ушбу муаззам коинот, ўзини ўзи яратиши, ёки яратувчисиз тасодифан яралиши мумкинми?!

3. Аллоҳ таолонинг борлигига шариатнинг далолат қилиши: Барча самовий китоблар Аллоҳ таолонинг бор эканини баён қилади. Ушбу китоблар олиб келган, бандаларнинг манфаатини кафолатловчи ҳукмлар, Ўз бандаларининг манфаатларини билувчи доно Рабб тарафидан эканига, улар олиб келган ва ҳозирги давр ҳақиқат деб гувоҳлик берган коинот ҳақидаги хабарлар, хабар берган

нарсасини ярата оладиган Рабб бор эканига далолат қилади.

4. Сизги аъзолари Аллоҳ таолонинг бор эканига икки жиҳатдан далолат қилади:

Биз дуо қилувчиларнинг дуолари, мусибатланганларнинг ёрдам сўраб қилаётган дуолари ижобат бўлаётганини кўриб, эшитмоқдамиз. Мана шунинг ўзи Аллоҳ таолонинг бор эканига қатъий далилдир.

Аллоҳ таоло айтади:

{وَلَوْحًا إِذْ نَادَىٰ مِنْ قَبْلُ فَاسْتَجَبْنَا لَهُ...}

«Нух илгари дуо қилган эди, биз ижобат қилдик» [Анбиё: 76].

{إِذْ تَسْتَغِيثُونَ رَبَّكُمْ فَاسْتَجَابَ لَكُمْ...}

«Ўшанда Раббингиздан мадад тилаганингизда, У

сизларга ижобат қилганди...» [Анфол: 9].

Имом Бухорий ўзининг «Саҳиҳ»ида Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«إِنَّ أَعْرَابِيًّا دَخَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ -وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ- فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَلْكَ الْمَالُ، وَجَاعَ الْعِيَالُ، فَادْعُ اللَّهَ لَنَا؛ فَرَفَعَ يَدَيْهِ وَدَعَا، فَتَارَ السَّحَابُ أَمْثَالَ الْجِبَالِ، فَلَمْ يَنْزِلْ عَنْ مِنْبَرِهِ حَتَّى رَأَيْتُ الْمَطَرَ يَتَخَادَرُ عَنْ لِحْيَتِهِ».

«Жума куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба ўқир эканлар, бир саҳройи кириб

келдида: «Эй Аллоҳнинг расули, моллар ҳалок бўлди, оилалар оч қолди. Аллоҳга дуо қилинг, биздан бу мусибатларни кўтарсин», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб, дуо қилдилар. Осмонда бир парча ҳам булут йўқ эди, дуо қилиб қўлларини туширмадилар ҳамки осмонда тоғ мисоли булутлар қўзғалди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбардан тушмасларидан соқолларидан ёмғир оқиб тушар эди.¹

Келгуси жума ўша саҳройи ёки бошқа бир одам ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг расули, бинолар вайрон бўлиб, моллар ҳалок бўлдику! Аллоҳ таолога дуо қилинг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб:

«اللَّهُمَّ حَوَالَيْنَا وَلَا عَلَيْنَا»

«Аллоҳим, бизга эмас, атрофларга ёғдир», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайси тарафга (қўллари билан) ишора қилсалар, булутлар ўша тарафга парчаланиб, ёмғир тинди».²

Ҳозирги кунимизга қадар Аллоҳ таолога садоқат билан илтижо қилган ҳамда ижобат

¹ Имом Бухорий (891).

² Имом Бухорий (891) ва имом Муслим (897).

бўлиш шартларини тўла адо этган кишилар учун дуоларининг қабул бўлаётгани маълумдир.

Иккинчи жиҳат: Пайғамбарларга берилган ва одамлар кўриб, эшитган

ҳамда «мўъжиза» деб аталган нарсалар ҳам, пайғамбарларни юборган зот – Аллоҳ таолонинг бор эканига қатъий далилдир. Чунки мўъжизалар башар тоқатидан четда бўлган ҳамда Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарига мадад ва ёрдам бўлиши учун жорий қилган ҳодисалардир.

Бунинг мисоли Мусо алайҳиссаломнинг асо (ҳасса)сидир. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга асоси билан денгизни уришни амр этди. Мусо алайҳиссалом асолари билан денгизни урдилар. Денгиз қуп-қуруқ ер бўлиб, ўн иккига айри бўлинди. Йўлнинг икки четидаги сувлар тоғлар каби савлат тўкиб турар эди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ أَنْ أَضْرِبْ بِعَصَاكَ الْبَحْرَ ۖ فَانْفَلَقَ ۖ فَكَانَ كُلُّ فِرْقٍ كَالطَّوْدِ الْعَظِيمِ ۖ﴾ (63)

«Биз Мусога: «Асонгиз билан денгизни уринг!», деб

ваҳий қилдик. (У урган эди), денгиз бўлинди. Ҳар бир тараф улкан тоғлардек эди» [Шуаро: 63].

Иккинчи мисол: Исо алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг изни билан ўликларни тирилтириб, қабрлардан чиқарган пайтидаги мўъжизаси. Аллоҳ таоло

айтади:

﴿...وَأُحْيِي الْمَوْتَىٰ بِإِذْنِ اللَّهِ...﴾

«... ва Аллоҳ таолонинг изни билан ўликларни

тирилтираман» [Оли Имрон: 49].

﴿...وَإِذْ أَخْرَجُ الْمَوْتَىٰ بِإِذْنِي...﴾

«...Менинг изним ила ўликларни чиқарганингни...» [Моида: 110].

Учинчи мисол: Қурайш қабиласи талаб қилганида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойга ишора қилганларида Ой иккига бўлинган ва одамлар кўриб гувоҳ бўлган мўъжиза. Аллоҳ таоло бу ҳақида шундай дейди:

﴿أَقْتَرَبَتِ السَّاعَةُ وَانْشَقَّ الْقَمَرُ ۚ وَإِن يَرَوْا ءَايَةً يُعَرِّضُوا وَيَقُولُوا سِحْرٌ مُّسْتَمِرٌّ ۚ﴾

«Қиёмат яқинлашди ва Ой ёрилди. Агар улар мўъжизани кўрсалар, юз ўгирадилар ва: «Бу доимий сеҳр-жоду», дейдилар» [Қамар: 1-2].

Мана шу Аллоҳ таоло пайғамбарларига мадад ва ёрдам қилиб содир этган ҳиссий мўъжизалар Аллоҳ таолонинг борлигига қатъий далилдир.

Иккинчи масала: Аллоҳ таолонинг рубубиятига иймон келтириш, яъни, Аллоҳ таолони шериксиз ва ёрдамчисиз Рабб, деб ишониш.

Рабб — яратиш, мулк ва ҳукм Уники бўлган Зот. Бас, Аллоҳдан ўзга яратувчи йўқ, Ундан бошқа подшоҳ йўқ, ҳукм ҳам фақат Уникидир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿...أَلَا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ...﴾

«Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш Унинг Ўзига хосдир» [Аъроф: 54].

﴿...ذَٰلِكُمُ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ الْمُلْكُ ۚ وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ مَا يَمْلِكُونَ مِنْ قِطْمِيرٍ﴾

«Ана шу Аллоҳ сизларнинг Раббингиздирки, мулк ёлғиз Уникидир. (Эй мушриклар), сизлар У зотни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз эса (хурмо данагига ёпишиб турадиган юпқа)

пўстлоқча нарсага ҳам эга эмасдирлар» [Фотир: 13].

Гапига ўзи ҳам ишонмасдан кибр қилиб айтганлардан бошқа ҳеч ким Аллоҳ таолонинг Рабб эканини инкор қилмаган. Улардан бир Фиръавн, у ўз қавмига:

﴿فَقَالَ أَنَا رَبُّكُمُ الْأَعْلَى﴾ (24)

«Мен сизларнинг энг олий Раббингиздирман», деди» [Нозиъот: 24].

Яна шунлай деган:

﴿...يَأَيُّهَا الْمَلَأَ مَا عَلِمْتُ لَكُم مِّنْ إِلَهِ غَيْرِي...﴾

«Эй халойиқ, мен сизлар учун ўзимдан бошқа илоҳ бор эканини билмайман!» [Қосос: 38].

Лекин бу сўзга ишониб айтмаган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَجَدُوا بِهَا وَاسْتَيْقَنَتْهَا أَنفُسُهُمْ ظُلْمًا وَعُلُوًّا...﴾

«Ўзлари аниқ билиб турсалар-да, золимлик ва такаббурлик қилиб, уларни инкор этдилар» [Намл: 14]. Аллоҳ таоло Фиръавн ҳақида ҳикоя қилган оятда Мусо алайҳиссалом унга:

﴿...لَقَدْ عَلِمْتَ مَا أَنزَلَ هَؤُلَاءِ إِلَّا رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ بِصَآئِرٍ وَإِنِّي لَأَظُنُّكَ يُفِرُّ عَوْنٍ مِّنْهُوَ﴾

«У: «Ановиларни кўзни очувчи (далил) қилиб, осмонлару ернинг Раббидан ўзга ҳеч бир зот туширмаганини яхши биласан. Албатта, мен сени, эй Фиръавн, ҳалок бўлгувчисан деб ўйлайман», деди» [Исро: 102]. Шунинг учун ҳам, мушриклар Аллоҳ таолога улуҳият бобида шерик қилсалар-да, Унинг рубубиятини тан олар эдилар. Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿قُلْ لِّمَنِ الْأَرْضُ وَمَنْ فِيهَا إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ 84 سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ 85 قُلْ مَنْ رَبُّ السَّمَوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ 86 سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ 87 قُلْ مَنْ يَدْعُوا مَلَكُوتَ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ يُجِيرُ وَلَا يُجَارُ عَلَيْهِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ 88 سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ فَأَنَّى تُسْحَرُونَ 89﴾

«Сиз: «Агар билсангиз, Ер ва ундаги кимсалар кимникидир?» деб айтинг. «Аллоҳникидир», дерлар. Сиз: «Наҳотки эслатма олмасангиз?!» денг. Сиз: «Етти осмоннинг Рабби ким? Улуғ аршнинг Рабби ким?» деб айтинг. Улар: «Аллоҳникидир», дерлар. Сиз: «Наҳотки қўрқмасангиз?!» деб айтинг. Сиз: «Агар билсангиз (айтинг-чи), ҳар бир нарсанинг мулки қўлида бўлмиш, Ўзи ҳимоя қиладиган ва Ундан ҳимоя қилинмайдиган Зот ким?!» деб айтинг. «Аллоҳникидир», дерлар. Сиз: «Қандоқ ҳам

Яъни, Аллоҳ таолонинг шериксиз ягона илоҳ эканига иймон келтириш.

«Илоҳ» «маълуҳ», яъни муҳаббат ва улуғлаш ила сиғиниладиган маъбуд, демакдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَالْهُكْمُ إِلَهُ وَجِدَّ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ 163﴾

«Сизларнинг илоҳингиз ягонадир. Раҳмон, Раҳийм Зотдан ўзга илоҳ йўқдир» [Бақара: 163].

﴿شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُوا الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْغَزِيُّرُ الْحَكِيمُ 18﴾

«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилгувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. Ундан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ. У қудратли, ҳикмат эгасидир» [Оли Имрон: 18]. Ким Аллоҳ билан бирга бошқани илоҳ тутса ва унга ибодат қилса, Унинг илоҳлиги ботилдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْحَقُّ وَأَنَّ مَا يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ هُوَ الْبُطْلُ وَأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْعَلِيُّ الْكَبِيرُ 62﴾

«Бунга сабаб Аллоҳнинг Ўзигина ҳақиқий Илоҳ экани ва сизлар Уни қўйиб илтижо қилаётганлар эса ботилнинг ўзи экани, ҳамда шак-шубҳасиз, Аллоҳ Ўзи-гина энг юксак ва

буюк зот эканлигидир» [Ҳаж: 62]. У маъбудаларни илоҳлар деб аташ уларга ибодат қилиш ҳуқуқини бермайди. Аллоҳ таоло «Лот, Манот ва Уззо» ҳақида шундай дейди:

﴿إِنَّ هِيَ إِلَّا أَسْمَاءَ سَمَّيْتُمُوهَا أَنْتُمْ وَءَابَاؤُكُمْ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ...﴾

«У (ном)лар фақат сизлар ва ота боболарингиз қўйиб олган номлардир. Аллоҳ таоло улар(га ибодат қилиш) ҳақида бирон бир ҳужжат туширган эмас» [Нажм: 23].

Аллоҳ таоло Ҳуд алайҳиссаломнинг ўз қавмларига айтган гаплари ҳақида шундай дейди:

﴿...أَتَجِدُلُونَنِي فِي أَسْمَاءَ سَمَّيْتُمُوهَا أَنْتُمْ وَءَابَاؤُكُمْ مَا نَزَّلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ...﴾

«Ўзингиз ва ота боболарингиз қўйиб олган номлар ҳақида мен билан тортишасизларми?! (Уларнинг худолигига) Аллоҳ ҳеч бир ҳужжат туширмаган» [Аъроф: 71].

Юсуф алайҳиссалом зиндондаги икки ҳамроҳига шундай деганини ҳам келтиради:

﴿يُصْحَبِي اللَّيْلَ عَنَّا رِبَابٌ مُتَفَرِّقُونَ خَيْرٌ أَمِ اللَّهُ الْوَحْدُ الْقَهَّارُ مَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِهِ إِلَّا أَسْمَاءَ سَمَّيْتُمُوهَا أَنْتُمْ وَءَابَاؤُكُمْ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ...﴾

«Эй ҳамзиндон дўстларим, тарқоқ — турли-туман «худолар» яхшироқми ёки ягона ва ғолиб

Аллоҳми?» «Сизлар эса, У Зотни қўйиб,
ўзларингиз ва ота-бобо-

ларингиз атаб олган номлар – бутларгагина
ибодат

қиласизлар. Ахир Аллоҳ уларга (ибодат
қилиш ҳақида)

бирор ҳужжат туширмаган-ку?!» [Юсуф: 39-
40].

Шунинг учун ҳам, барча пайғамбарлар ўз
қавмларига шундай деб даъват қилар эдилар:

﴿...أَعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ...﴾

«Аллоҳ таологагина ибодат қилинглар!
Сизлар учун Ундан бошқа илоҳ йўқдир» [Аъроф:
59]. Бу даъватдан мушриклар юз ўгириб, Аллоҳ
таолони қўйиб, махлуқларни олиҳа қилиб
сиғиндилар ва улардан ёрдам ва паноҳ
сўрадилар.

Аллоҳ таоло мушрикларнинг олиҳаларини
икки ақлий далил билан пучга чиқарди:

Биринчи далил: Мушрикларнинг
олиҳаларида улуҳият-илоҳликнинг асари ҳам
йўқ. Зотан, ўзлари яралмиш бўлганидан ўзгани
ярата олмайдилар. Улар ўзларига ибодат
қилаётган кимсаларга бирор фойда

келтиришга ёки улардан зарарни кетказишга қодир эмаслар. Уларга ҳаёт ёки ўлим беришга ҳам, осмонлардаги бирор нарсага эга ҳам, шерик ҳам эмаслар.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَاتَّخَذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ لَا يَخْلُقُونَ شَيْئًا وَهُمْ يُخْلَقُونَ وَلَا يَمْلِكُونَ أَنْفُسِهِمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا وَلَا يَمْلِكُونَ مَوْتًا وَلَا حَيَاةً وَلَا نُشُورًا﴾ {3}

«(Мушриклар эса) У Зотни қўйиб, ҳеч нарса ярата олмайдиган, ўзлари яратиладиган, ўзлари учун зарарга ҳам, нафга ҳам эга бўлмайдиган, ўлимга ҳам, ҳаётга ҳам, қайта тирилишга ҳам молик бўлмайдиган «худо»лар тутдилар» [Фурқон: 3].

﴿قُلْ ادْعُوا الَّذِينَ زَعَمْتُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَا يَمْلِكُونَ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ فِي السَّمَوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَمَا لَهُمْ فِيهَا مِنْ شِرْكٍ وَمَا لَهُ مِنْهُمْ مِنْ ظَهِيرٍ وَلَا تَنْفَعُ الشَّفَعَةُ عِنْدَهُ إِلَّا لِمَنْ أَذِنَ لَهُ...﴾

«Сиз: «Аллоҳдан ўзга гумон қилган (илоҳларингизга) дуо қилаверинглар-чи?! Улар осмонлару ерда зарра вазнича нарсага молик эмаслар. Уларга бу(икки)ларида шериклик ҳам йўқ. Ва У Зотга улардан бирорта ёрдамчи ҳам йўқ», деб айтинг. У Зотнинг хузурида фақат Ўзи

изн берганлардан бошқанинг шафоати манфаат бермас...» [Сабаъ: 22-23].

وقال تعالى: ﴿أَيُّشْرِكُونَ مَا لَا يَخْلُقُ شَيْئًا وَهُمْ يُخْلَقُونَ 191 وَلَا يَسْتَطِيعُونَ لَهُمْ نَصْرٌ وَلَا أَنْفُسُهُمْ يَنْصُرُونَ 192﴾

«Мушриклар ҳеч нарсани яратмайдиган, ўзлари яраладиган, уларга ёрдам беришга қодир бўлмаган,

хатто ўзларига ҳам ёрдам бера олмайдиган зотларни (Аллоҳ таолога) шерик қиляптиларми?» [Аъроф: 191-192].

Агар олиҳаларнинг ҳоли шу бўлса, уларни олиҳа қилиб олиш, аҳмоқликнинг энг аҳмоқонаси, ботилнинг энг ботилидир.

Иккинчи далил: Мушриклар Аллоҳ таолонинг Ўзигина барча нарсаларнинг Рабби, Яратувчиси эканини ва ҳар бир нарсанинг мулки Унинг қўлида эканини тан олар эдилар. Бу эса, У Зотни рубубиятда ягона деб тан олганлари каби улуҳиятда ҳам тан олишни тақозо қилади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ 21 الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ 22﴾

«Эй одамлар, сизларни ва сиздан олдингиларни яратган Раббингизга ибодат қилинг. Шоядки тақводор бўлсангиз. У сизларга ерни тўшаб, осмонни бино қилган ва осмондан сув тушириб, у билан сизларга меваларни ризқ қилиб чиқарган Зотдир. Билиб туриб Аллоҳга бошқаларни тенглаштирманг» [Бақара: 21-22].

﴿وَلَيْنِ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَهُمْ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ فَأَنَّى يُؤْفَكُونَ 87﴾

«Агар сиз улардан ўзларини ким яратганини сўрасангиз, албатта, «Аллоҳ», дерлар. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдалар?!» [Зухруф: 87].

﴿قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمَّنْ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدَبِّرُ الْأَمْرَ فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ 31 فَذَلِكُمُ اللَّهُ رَبُّكُمْ الْحَقُّ فَمَاذَا بَعْدَ الْحَقِّ إِلَّا الضَّلَالُ فَأَنَّى تُصْرَفُونَ 32﴾

«Сиз: «Сизларни осмонлару ерда ким ризқлантирур? Ёки қулоқ ва кўзларингизнинг эгаси ким, тирикни ўликдан, ўликни тирикдан ким чиқарур? Ишнинг тадбирини ким қиладир?» деб айтинг. Улар, албатта: «Аллоҳ», дерлар. Бас, сиз: «Тақво қилмайсизларми?» деб айтинг. Бас, мана шу Аллоҳ сизнинг ҳақ

Раббингиздир. Ҳақдан сўнг нима бўладир? Магар залолат бўладир. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?» [Юнус: 31-32].

Тўртинчи масала: Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларига иймон

келтириш:

Яъни, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларида исбот этган исм

ва сифатларни Аллоҳ таолога лойиқ тарзда, ҳеч бир ўзгартиришсиз, инкорсиз, кайфиятсиз ва ўхшатишсиз исбот этиш.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا وَذُرُوا الَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِي أَسْمَائِهِ سَيُجْزَوْنَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾ (180)

«Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Унга ўша(исм)лар ила дуо қилинг ва Унинг исмларидан оғадиганларни тек қўйинг. Яқинда қилган амалларига яраша жазоланурлар» [Аъроф: 180].

﴿...وَلَهُ الْمَثَلُ الْأَعْلَىٰ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾

«Осмонлару ердаги энг олий сифат Уникидир. У Азиз ва Ҳаким Зотдир» [Рум: 27].

﴿...لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«Ҳеч нарса Унга ўхшаш эмас. У Эшитгувчи ва Кўргувчи Зотдир» [Шуро: 11].

Бу масалада икки тоифа адашиб кетган:

Биринчи тоифа: Муъаттилалар. Улар Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларининг барчасини ёки баъзисини инкор этдилар ва: «Исм ва сифатларни Аллоҳ таоло учун исбот этиш, Аллоҳ таолони Ўз махлуқларига ўхшатишни тақозо қилади», деб даъво қилдилар. Бу бир неча сабабларга кўра асоссиздир:

Биринчидан: Бу гумон ботил сабабларни тақозо қилади. Масалан: Аллоҳ таолонинг каломида зиддиятлар мавжудлигини тақозо қилади. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло Ўзи учун исм ва сифатларни исбот этиб, Унга бирор нарса ўхшамаслигини хабар берди. Агар исм-сифатларни исбот этиш ташбиҳни тақозо қилганда эди, Аллоҳ таолонинг каломида бир бирига зиддиятлар вужудга келиб, бир сўзи иккинчисини ёлғонга чиқарар эди.

Иккинчидан: Икки нарса исм ёки сифатда бир хил бўлиши, уларнинг бир-бирига ўхшаш эканини тақозо қилмайди. Масалан: икки шахснинг эшитувчи, кўрувчи ва гапирувчи

инсон эканини кўрасиз. Бироқ бу уларнинг инсоний маъноларда, эшитиш, кўриш ва гапиришда бир хил эканликларини тақозо этмайди.

Шунингдек, сиз қўли, оёғи ва кўзи бор кўплаб ҳайвонларни кўрасиз. Лекин, бу уларнинг бир хил бўлишлари керак эканини тақозо қилмайди.

Махлуқотларнинг исм ва сифатларда ўхшашлик бўла туриб, ўзаро фарқ бор экан, демак, Холиқ билан махлуқ ўртасида фарқнинг бўлиши очиқ-равшандир.

Иккинчи тоифа: Мушаббихалар. Бу тоифа Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларини махлуқотларга ташбих қилиб (ўхшатиб) исбот этдилар ва: «Бу, ваҳий тақозосидир. Чунки Аллоҳ таоло бандалар тушунадиган нарсалар билан уларга хитоб қилади», деб гумон қиладилар. Бу гумон ҳам, бир неча сабабларга кўра асоссиздир. Улардан:

Биринчидан: Аллоҳ таоло Ўз махлуқотларига ўхшашини ақл ва шариат инкор этади. Қуръон ва суннатдаги таълимотлар эса ботил нарсаларни тақозо қилиши мумкин эмас.

Иккинчиси: Аллоҳ таоло бандарларни маънонинг асосини англайдиган тарзда хитоб қилган. Аммо ўша маънонинг ҳақиқати ва асл моҳиятини хоссатан Зоти ва сифатларига тегишли бўлган нарсаларни Аллоҳ таоло Ўз илмига хос қилиб қўйгандир.

Агар Аллоҳ таоло Ўзининг «Самийъ» (эшитувчи) эканини исбот этса, эшитиш маъно нуқтаи назаридан маълум (яъни, товушларни идрок этиш). Лекин, бунинг Аллоҳ таолонинг эшитишига нисбатан ҳақиқати номаълумдир. Чунки эшитиш ҳақиқати махлуқларда ҳам фарқли бўлади. Холиқ билан махлуқ ўртасидаги тафовут эса, ундан кўра каттароқ ва равшанроқдир.

Агар Аллоҳ таоло Ўзининг Аршга кўтарилганини хабар берган бўлса, кўтарилишнинг маъноси маълум. Бироқ, Аллоҳ таолонинг Аршга кўтарилишининг кайфияти бандаларга номаълум. Зотан, кўтарилиш ҳақиқати махлуқотда ҳам ўзаро фарқли бўлади. Қимирламай турган курсига кўтарилиш билан, асов туя устига кўтарилиш ўртасида катта фарқ бор. Шундай экан, Холиқ билан махлуқ

ўртасидаги фарқ катта ва равшан бўлиши муқаррардир.

Биз баён қилгандек, Аллоҳ таолога иймон келтиришнинг мўминлар учун улкан самаралари бор. Улардан:

Биринчи: Бошқалардан хавф ва умид қидирмайдиган даражада Аллоҳ таолонинг ваҳдониятини рўёбга чиқариш.

Иккинчи: Аллоҳ таолони гўзал исмлари ва олий сифатлари тақозо қилгандай тўлиқ яхши кўриш ва улуғлаш.

Учинчи: Буюрилган нарсаларни бажариш ва қайтарилган нарсалардан қайтиш билан, Аллоҳ таолога ибодат қилиш.

*

Фаришталарга иймон келтир

Фаришталар ғайб олами бўлиб, Аллоҳ таолога ибодат қилувчи бандалардир. Уларда улуҳият ва рубубият сифатлари йўқ. Аллоҳ таоло уларни нурдан яратиб, уларга Ўз амрига тамомий итоат қилиш ва амрини бажариш учун қувват берган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿...وَمَنْ عِنْدَهُ لَا يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِهِ وَلَا يَسْتَحْسِرُونَ يُسَبِّحُونَ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ لَا يَفْتُرُونَ﴾

«Унинг ҳузуридагилар ибодатидан такаббурлик қилмаслар ва малол олмаслар, туну кун тасбеҳ айтарлар ва чарчамаслар» [Анбиё: 19-20].

Уларнинг сони шу даражада кўпки, ҳисобини Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади. «Саҳиҳайн»да Анас ибн Молик разияллоҳу анху ривоят қилган ҳадисда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам меърожга олиб чиқилганларида «Байтул-маъмур»га олиб борилгани ва у ерда бир кунда етмиш минг фаришта намоз ўқиши, у ердан чиққанларидан сўнг, фаришталарнинг кўплигидан қайта кира олмасликлари баён қилинган.

Фаришталарга иймон келтириш тўрт масалани ўз ичига олади:

Биринчи масала: Фаришталарнинг борлигига ишониш.

Иккинчи масала: Бизларга исмлари баён қилинган фаришталарга муфассал, исми баён қилинмаган фаришталарга эса умумий тарзда иймон келтириш.

Учинчи масала: Фаришталарнинг бизга хабар берилган сифатларига иймон келтириш. Масалан: Жаброил алайҳиссаломнинг сифатлари. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни яралган сифатлари билан, яъни олти юзта қаноти билан уфқни тўсиб турганини кўрган эдилар.

Фаришта гоҳо Аллоҳ таолонинг амри билан инсон шаклига ҳам киради. Масалан: Аллоҳ таоло амр қилганида Жаброил алайҳиссалом Марям алайҳассалом ҳузурига киришида комил инсон шаклини олган эди. Бундан ташқари, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар ҳузурида ўтирганларида тим қора сочли, оппоқ кийимда, сафар аломати кўринмаган ва саҳобаларга нотаниш киши суратида келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига ўтирди. Тиззаларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тиззаларига теккизди ва қўлларини сонларига қўйдида, Ислому, Иймон, Эҳсон ва Қиёмат куни ва унинг белгилари

ҳақида сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавоб берганларидан сўнг, кетди. Сўнггра, Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«هَذَا جِبْرِيلُ؛ أَتَاكُمْ يُعَلِّمُكُمْ دِينَكُمْ».

«У — Жаброил эди. У сизларга динингизни ўргатиш учун келган эди», дедилар.¹

Шунингдек, Аллоҳ таоло Иброҳим ва Лут алаҳимассаломнинг олдига юборган фаришталар ҳам одам суратида эдилар.

Тўртинчи масала: Фаришталарнинг бизга хабар берилган ва Аллоҳ таолонинг амри билан адо этишадиган амалларига иймон келтириш. Масалан: Кечаю кундуз малолланмай, тинимсиз ибодат қилиш.

Баъзиларининг ўзига хос амаллари ҳам бўлиши мумкин.

Масалан: ваҳийга омонатдор Жаброил алайҳиссаломни Аллоҳ таоло пайғамбарларга элчи қилиб юборган.

Мийкоил алайҳиссалом эса, ёмғир ва ўсимлик ишларига муваккал фаришта.

¹ Имом Муслим ривояти (8).

Исрофил алайҳиссалом Қиёмат қоим бўлиши ва бандаларнинг қайта тирилишлари пайтида сурга дам уришга вакил қилинган.

Малакул-мавт — ўлим фариштаси эса, ўлим пайтида руҳларни олишга вакил қилинган.

Молик — дўзахга масъул қилинган ва у дўзахнинг посбони.

Она қорнидаги ҳомилага вакил қилинган фаришта. Ҳомила тўрт ойлик бўлганида, Аллоҳ таоло бир фариштани юбориб, ҳомиланинг ризқи, ажали, амали, бахтли ёки бахтиқаролигини ёзишга буюради.

Одамларнинг амалларини ёзиш ва сақлаш учун вакил қилинган фаришталар. Ҳар бир шахс учун тайинланган икки фаришта бўлиб, уларнинг бири одамнинг ўнг, иккинчиси эса чап томонида бўлади.

Қабрга қўйилганидан сўнг маййит-ўликни сўроқ қилишга вакил қилинган фаришталар. Маййитнинг олдига икки фаришта келиб, унинг дини, Рабби ва пайғамбари ҳақида сўрайдилар.

Фаришталарга иймон келтиришнинг улкан самаралари бор. Улардан:

Биринчи: Аллоҳ таолонинг буюклиги ва салтанатини билиш. Чунки махлуқнинг улканлиги Холиқнинг буюклигидан даракдир.

Иккинчи: Аллоҳ таолога одам фарзанди учун қилган иноятига шукр қилиш. Чунки Аллоҳ таоло уларни ҳимоя қиладиган, амалларини ёзадиган ва бундан ташқари бошқа манфаатлари учун фаришталарни тайин қилган.

Учинчи: Фаришталарни Аллоҳ таолога қилаётган ибодатлари учун яхши кўриш.

Баъзи калтафаҳм кишилар фаришталарнинг жисм эканини инкор этиб, улар: «Махлуқлар ичида яширинган хайрли кучлардан иборат», дедилар. Бу — Аллоҳ таолонинг Қуръони, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатлари ва мусулмонларнинг ижмоъларини рад этишдан бошқа нарса эмас.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ جَاعِلِ الْمَلَكَةِ رُسُلًا أُولِي أَجْنَحَةٍ مَّتَنَّى
وَتَلَّثَ وَرُبَعًا...﴾

«Осмонлару ерни йўқдан бор қилган, фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин...» [Фотир: 1].

﴿وَلَوْ تَرَىٰ إِذِ يَتَوَفَّى الَّذِينَ كَفَرُوا الْمَلَائِكَةُ يَضْرِبُونَ وُجُوهَهُمْ وَأَدْبِرُ هُمْ...﴾

«Фаришталар куфр келтирганларнинг юз ва кетларига уриб, жонларини олаётган пайтида...» [Анфол: 50].

﴿...وَلَوْ تَرَىٰ إِذِ الظَّالِمُونَ فِي غَمَرَاتِ الْمَوْتِ وَالْمَلَائِكَةُ بَاسِطُوا أَيِّدِيهِمْ
أَخْرَجُوا أَنْفُسَهُمْ...﴾

«...Бу золимларни ўлим гирдобидида қолган пайтларида ўлим фаришталари уларга қўлларини чўзиб: «Жонларингизни чиқарингиз!...» [Анъом: 93].

﴿...حَتَّىٰ إِذَا فُزِّعَ عَن قُلُوبِهِمْ قَالُوا مَاذَا قَالَ رَبُّكُمْ قَالُوا الْحَقُّ وَهُوَ الْعَلِيُّ
الْكَبِيرُ﴾

«То қалбларидан қўрқув кетгач: «Раббингиз нима деди?» - дерлар. «Ҳақни», дерлар. У Олий ва Буюқдир» [Сабаъ: 23].

Аллоҳ таоло жаннат аҳли ҳақида айтадики:

﴿...وَالْمَلَائِكَةُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِمْ مِنْ كُلِّ بَابٍ سَلَامٌ عَلَيْكُمْ بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعَمَ عُقْبَى
الَّذِينَ﴾

«...фаришталар ҳар эшикдан уларнинг олдига кириб: Сизларга сабр қилганингиз учун салом бўлсин! Бу оқибат диёри қандай ҳам яхши!» (дерлар). [Раъд: 23-24].

Саҳиҳ Бухорийда Абу Ҳурайра разияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«إِذَا أَحَبَّ اللَّهُ الْعَبْدَ نَادَى جِبْرِيلُ: إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ فُلَانًا فَأَحْبِبْهُ، فَيُحِبُّهُ جِبْرِيلُ، فَيُنَادِي جِبْرِيلُ فِي أَهْلِ السَّمَاءِ: إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ فُلَانًا فَأَحْبِبُوهُ، فَيُحِبُّهُ أَهْلُ السَّمَاءِ، ثُمَّ يُوضَعُ لَهُ الْقَبُولُ فِي الْأَرْضِ».

«Агар Аллоҳ бандасини яхши кўrsa, Жаброил алайҳиссаломга: «Албатта Аллоҳ фалон бандани яхши кўради, сен ҳам уни яхши кўр», деб нидо қилади. Жаброил уни яхши кўради. Сўнгра Жаброил осмон аҳли орасида нидо қилади: «Албатта Аллоҳ фалон бандани яхши кўради, сизлар ҳам уни яхши кўринглар». Шунда осмон аҳли уни яхши кўради. Сўнгра унга ерда қабул (маҳбублик) қўйилади», дедилар.¹

¹ Имом Бухорий (3037) ва имом Муслим (2637).

Айни китобда яна Абу Хурайра разияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар:

«إِذَا كَانَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ كَانَ عَلَى كُلِّ بَابٍ مِنْ أَبْوَابِ الْمَسْجِدِ الْمَلَائِكَةُ يَكْتُتُونَ الْأَوَّلَ فَأَلَّوْلَ، فَإِذَا جَلَسَ الْإِمَامُ طَوَّأُوا الصُّحُفَ وَجَاءُوا بِسِتْمَعُونَ الذِّكْرَ».

«Жума куни фаришталар масжиднинг барча эшиклари олдида, келаётган намозхонларни тартиб билан ёзиб турадилар. Имом (минбарга) ўтиргач саҳифаларни ёпиб, хутбани эшитиш учун келадилар».¹

Ушбу хабарлар фаришталарнинг баъзи калта фаҳмлар ўйлаганидек, маънавий кучлар эмас, балки жисмоний махлуқлар эканини очиқ кўрсатиб турибди. Мусулмонлар шу хабарларга биноан ижмоъ қилганлар.

*

Китобларга иймон келтириш

Китоблар — ёзилган таълимотлар мажмуасидир.

Бу ерда «китоблар» сўзидан Аллоҳ таолонинг Ўз пайғамбарлари воситаси билан дунё ва охираат бахт-саодатларига эришишлари учун

¹ Имом Бухорий (887) ва имом Муслим (850).

бандаларига раҳмат ва ҳидоят қилиб туширган китоблари назарда тутилган.

Китобларга иймон келтириш тўрт масалани ўз ичига олади:

Биринчи масала: Уларни ҳақиқатан Аллоҳ таоло нозил қилинганига иймон келтириш.

Иккинчи масала: Номи маълум бўлган: Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга туширилган Қуръони Карим, Мусо алайҳиссаломга туширилган Таврот, Исо алайҳиссаломга туширилган Инжил, ва Довуд алайҳиссаломга туширилган Забур сингари китобларга номлари билан иймон келтириш. Номлари билдирилмаган китобларга эса, умумий тарзда иймон келтириш.

Учинчи масала: Улардаги ишончли хабарларни тасдиқлаш. Масалан: Қуръондаги ҳамда олдинги китоблардаги ўзгартирилмаган хабарларни тасдиқлаш.

Тўртинчи масала: Бекор қилинмаган ҳукмларга амал қилиш. У ҳукмларнинг ҳикмати билсак ҳам билмасак ҳам, унга рози бўлиб итоат этиш. Аввалги китобларнинг

барчаси Қуръони Карим билан бекор қилинган.
Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَنزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ...﴾

«Сизга эса ўзидан олдинги китоб(ларни)
тасдиқлагувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ
бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик»
[Моида: 48]. Яъни: Улар устида ҳоким қилиб.

Шунинг учун ҳам, олдинги китоблар ичидаги
ишончли ва Қуръон таъкидлаган ҳукмлардан
бошқасига амал қилиш жоиз эмас.

Китобларга иймон келтириш қуйидаги катта
самараларни беради:

Биринчи: Аллоҳ таолонинг бандаларига
бўлган иноятини билиш. Зеро, Аллоҳ таоло
барча халқларга тўғри йўлни кўрсатадиган
Китоб нозил қилган.

Иккинчи: Аллоҳ таолонинг шариатидаги
ҳикматларини билиш. Чунки Аллоҳ таоло ҳар
бир халқнинг аҳволига муносиб шариатни
юборган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿...لِكَلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَاجًا...﴾

«Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат
ва йўл қилиб қўйдик» [Моида: 48].

Учинчиси: Аллоҳ таолонинг бу неъматларига шукроналар келтириш.

*

Пайғамбарларга иймон келтириш

«Пайғамбар» (расуллар) — юборилган, яъни бир нарсани етказиш учун жўнатилган элчининг кўплик сонидир.

Бу ерда зикр қилинган «русул» сўзидан мақсад, шариат ваҳий қилиниб, уни етказишга буюрилган инсон, яъни пайғамбарлардир.

Пайғамбарларнинг биринчиси Нух алайҳиссалом, сўнгиси эса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالنَّبِيِّينَ مِنْ بَعْدِهِ... ﴾

«Биз Нухга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик...» [Нисо: 163].

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ида Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилган шафоат ҳақидаги ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«ذَكَرَ أَنَّ النَّاسَ يَأْتُونَ إِلَى آدَمَ؛ لِيَشْفَعَ لَهُمْ، فَيَعْتَذِرُ إِلَيْهِمْ وَيَقُولُ: ائْتُوا نُوحًا أَوَّلَ رَسُولٍ بَعَثَهُ اللَّهُ» وذكر تمام الحديث.

«Одамлар шафоат сўраб Одам алайҳиссалом олдига келадилар. У улардан узр сўраб: «Сизлар Аллоҳ таоло биринчи расул қилиб юборган Нухнинг олдига боринглар!» дейди».¹

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида шундай марҳамат қилади:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ...﴾

«Муҳаммад эр кишиларингиздан биронтасининг отаси эмас. Лекин у Аллоҳнинг Пайғамбари ва набийлар хотами (охиргиси)...» [Аҳзоб: 40].

Аллоҳ таоло ҳар бир халқ ичида мустақил шариат билан ёки ўзидан аввалги пайғамбар олиб келган шариатни янгилаш учун пайғамбар юборган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطُّغُوتَ...﴾

«Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга бандалик қилинглар, шайтондан четланинглар», деб пайғамбар юбордик» [Наҳл: 36].

﴿...وَإِن مِّنْ أُمَّةٍ إِلَّا خَلَا فِيهَا نَذِيرٌ﴾

¹ Имом Бухорий (7410) ва имом Муслим (193).

«Бирон уммат йўқки, унда бир огоҳлантирувчи ўтмаган бўлса» [Фотир: 24].

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا النَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا لِلَّذِينَ هَادُوا...﴾

«Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор. Аллоҳга бўйсунувчи пайғамбарлар яҳудийларга у билан ҳукм қиладилар...» [Моида: 44].

Пайғамбарлар — рубубият ва улуҳият сифатлари йўқ яратилган — инсондирлар. Аллоҳ таоло пайғамбарларнинг саййиди ва Ўзининг ҳузурида энг обрўлиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида шундай дейди:

﴿قُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ وَلَوْ كُنْتُ أَعْلَمُ الْغَيْبِ لَا سْتَكْبَرْتُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِيَ السُّوءُ إِنْ أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ﴾ (188)

«Айтинг: «Мен ўзимга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайман. Магар Аллоҳнинг хоҳлагани бўлур. Агар ғайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган бўлур эдим ва менга бирон зиён етмаган бўлур эди. Мен фақат иймон келтирадиган қавм учун

огоҳлантиргувчи ва хушхабар бергувчиман, холос» [Аъроф: 188].

﴿قُلْ إِنِّي لَا أَمْلِكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا رَشَدًا 21 قُلْ إِنِّي لَنْ يُجِيرَنِي مِنَ اللَّهِ أَحَدٌ وَلَنْ أَجِدَ مِنْ دُونِهِ مُلْتَحَدًا 22﴾

«Айтинг: «Албатта, мен сизларга на бир зиён ва на бир фойда беришга молик эмасман». Айтинг: «Албатта, мени ҳеч ким Аллоҳ(азоби)дан сақлаб қола олмас ва ҳаргиз Аллоҳдан ўзга паноҳ топа олмасман» [Жин: 21-22].

Пайғамбарларда касал бўлиш, еб-ичишга эҳтиёж, ўлиш ва бошқа барча башарий

хусусиятлари бор. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссалом Раббини сифатлагани ҳақида хабар бериб айтади:

﴿وَالَّذِي هُوَ يُطْعِمُنِي وَيَسْقِينِ 79 وَإِذَا مَرِضْتُ فَهُوَ يَشْفِينِ 80 وَالَّذِي يُمِيتُنِي ثُمَّ يُحْيِينِ 81﴾

«Ва мени таомлантирадиган ва суғорадиган ҳам Унинг Ўзи. Бемор бўлганимда менга шифо берадиган ҳам Унинг Ўзи. Мени ўлдирадиган, сўнгра тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзи» [Шуаро: 79-81].

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ، أَنَسَى كَمَا تَنْسَوْنَ، فَإِذَا نَسِيتُ فَذَكِّرُونِي».

«Мен ҳам сизлар каби инсонман. Сизлар унутганингиздек унутаман, агар унутсам, эслатиб қўйинглар!»¹

Аллоҳ таоло уларни энг олий мартабаларда Унга бандалик қилиш билан сифатлаган ва бу сифат улар ҳақида мақтов баёнида келтирилган. Аллоҳ таоло Нуҳ алаҳиссалом ҳақида шундай марҳамат қилади:

﴿...إِنَّهُ كَانَ عَبْدًا شَكُورًا﴾

«У ҳар доим шукр қилувчи банда эди» [Исро: 3]. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида эса шундай деди:

﴿تَبَارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَى عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا ۝ 1﴾

«Оламларга огоҳлантирувчи бўлиши учун бандасига Фурқонни нозил қилган Зот баракотли, улўғдир» [Фурқон: 1].

Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқуб алайҳимуссалом ҳақида эса шундай деган:

¹ Имом Бухорий (392) ва имом Муслим (572).

﴿وَأَذْكُرْ عَبْدَنَا إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ أُولِيَ الْأَيْدِي وَالْأَبْصَارِ 45 إِنَّا أَخْلَصْنَاهُمْ بِخَالِصَةٍ ذِكْرَى الدَّارِ 46 وَإِنَّهُمْ عِنْدَنَا لَمِنَ الْمُصْطَفَيْنِ الْأَخْيَارِ﴾
(47)

«Қўллар ва кўзлар соҳиблари бўлган бандаларимиз Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларни эсланг. Албатта, Биз уларни холис бир хислатла ажратдик. У (охират) диёрини эшлаш эди. Албатта, улар Бизнинг ҳузуримизда танланган ахёрлардандир» [Сод: 45-47].

Аллоҳ таоло Исо ибн Марям ҳақида шундай дейди:

﴿إِنْ هُوَ إِلَّا عَبْدٌ أَنْعَمْنَا عَلَيْهِ وَجَعَلْنَاهُ مَثَلًا لِّبَنِي إِسْرَءِيلَ 59﴾

«У фақат бир бандадир. Биз унга неъмат бердик ва уни Бани Исроилга мисол қилдик» [Зухруф: 59].

Пайғамбарларга иймон келтириш тўрт масалани ўз ичига олади:

Биринчи масала: Улар ҳақиқатда Аллоҳ таоло томонидан юборилган пайғамбарлар эканига иймон келтириш. Улардан биронтасининг пайғамбарлигига кофир бўлган кимса, уларнинг барчасига кофир бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿كَذَّبَتْ قَوْمُ نُوحٍ الْمُرْسَلِينَ 105﴾

«Нух қавми пайғамбарларни ёлғончига чиқарди» [Шуъро: 105].

У даврда Нух алайҳиссаломдан ўзга пайғамбар йўқлигига қарамай, Аллоҳ таоло уларни барча пайғамамбарларни ёлғонга чиқаришга тенглади. Шунга биноан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлигини рад этиб, унга эргашмаган насронийлар, Исо алайҳиссаломни рад этган ва унга эргашмаган каззобдирлар. Зеро, Исо алайҳиссалом уларга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида башорат берган эди. Башоратдан мурод, Аллоҳ уларни залолатдан ҳидоятга олиб чиқувчи пайғамбар қилиб юбориши демакдир.

Иккинчи масала: Исмлари маълум бўлган пайғамбарларга номлари билан иймон келтириш. Масалан: Муҳаммад, Иброҳим, Исо, Мусо ва Нух алайҳимуссаломлар. Бу беш пайғамбарга «улул-азм» (матонат эгалари) деб аталади. Аллоҳ таоло уларни Қуръони каримнинг икки: «Аҳзоб»

ва «Шўро» сураларида ёд этди:

﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِنَ النَّبِيِّينَ مِيثَاقَهُمْ وَمِنْكَ وَمِنْ نُوحٍ وَإِبْرَاهِيمَ وَمُوسَىٰ وَعِيسَىٰ ابْنِ مَرْيَمَ وَأَخَذْنَا مِنْهُم مِّيثَاقًا غَلِيظًا ۝۷﴾

«Набийлардан аҳду паймонларини олганимизни эсланг! Сиздан, Нухдан, Иброҳимдан, Мусодан ва Исо ибн Марямдан ҳам. Биз улардан салмоқли аҳду паймон олдик» [Аҳзоб: 7].

﴿شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّىٰ بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَىٰ وَعِيسَىٰ أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ كَبُرَ عَلَى الْمُشْرِكِينَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَيْهِ اللَّهُ يَجْتَبِي إِلَيْهِ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي إِلَيْهِ مَنْ يُنِيبُ ۝۱۳﴾

«У Зот сизларга дин этиб Ўзи Нухга васият қилган ва сизга ваҳий қилган нарсамизни ҳамда Иброҳим, Мусо ва Исоларга васият қилган нарсамизни шариат қилди. «Динни барпо қилингиз ва унда тафриқага тушмангиз», деди. Мушрикларга сиз уларни даъват қилган нарса оғир келди. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишисини (Пайғамбарликка) танлаб олур ва У Унгагина илтижо этгувчи кишини ҳидоят қилур» [Шўро: 13].

Аммо исми биз учун номаълум бўлган пайғамбарларнинг барчасига, умумий тарзда иймон келтирамиз. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ مِّنْهُمْ مَّن قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَّن لَّمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ...﴾

«Батаҳқиқ, Биз сиздан олдин ҳам Пайғамбарлар юборганмиз. Улардан кимнингдир қиссасини сизга айтиб бердик ва улардан кимнингдир қиссасини сизга айтиб бермадик» [Ғофир: 78].

Учинчи масала: Пайғамбарлардан ривоят қилинган саҳиҳ-ишончли хабарларни тасдиқлаш.

Тўртинчи масала: Шу пайғамбарлар ичидан барча инсонларга юборилган сўнгги пайғамбар — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган шариатга амал қилиш. Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾ (65)

«Йўқ, Раббингизга қасамки, сизни ўз ораларида чиққан келишмовчиликларга ҳакам қилмагунларича, кейин, чиқарган ҳукмингизга дилларида танглик топмасдан, бутунлай таслим бўлмагунларича, зинҳор мўмин бўла олмаслар!» [Нисо: 65].

Пайғамбарларга иймон келтиришнинг буюк самаралари бор. Улардан:

Биринчи: Аллоҳ таолонинг бандаларига бўлган раҳмати ва иноятини билиш. Чунки, У бандаларига Ўзининг йўлини кўрсатишлари ва Ўзига ибодат қилиш йўлларини баён қилишлари учун Ўз пайғамбарларини юборди. Зеро, ақл ўзидан ўзи буни ҳеч ҳам била олмайди.

Иккинчи: Аллоҳ таолонинг бу буюк неъматига шукроналар келтириш.

Учинчи: Пайғамбарларни яхши кўриш, лойиқ бўлган тарзда улуғлаш ва сано айтиш. Чунки улар Аллоҳ таолога ибодат қилдилар. Унинг ваҳийсини етказдилар ва бандаларига насихат қилдилар.

«Пайғамбарлар инсон наслидан эмас», деб гумон қилган ўжар кимсалар, ўз пайғамбарларини ёлғончига чиқардилар. Аллоҳ таоло бу гумонни эслатиб, унинг асоссиз эканини қуйидагича баён қилди:

﴿وَمَا مَنَعَ النَّاسَ أَنْ يُؤْمِنُوا إِذْ جَاءَهُمُ الْهُدَىٰ إِلَّا أَنْ قَالُوا أَبَعَثَ اللَّهُ بَشَرًا رَسُولًا ۚ 94 قُلْ لَوْ كَانَ فِي الْأَرْضِ مَلَائِكَةٌ يَمَشُّونَ مَطْمَتَيْنِ لَأَنزَلْنَا عَلَيْهِم مِّنَ السَّمَاءِ مَلَكًا رَسُولًا ۚ 95﴾

«Одамларга ҳидоят келган пайтда иймон келтиришларидан манъ қилган нарсa фақат, Аллоҳ башардан Пайғамбар юборадими, дейишлари бўлди. Сиз айтинг: «Агар ер юзида фаришталар хотиржам юрганларида, уларга осмондан фаришта Пайғамбар туширган бўлар эдик» [Исро: 94-95].

Аллоҳ таоло бу гумонни, модомики, Ер аҳли инсон экан, инсон элчи юборилишини, агар Ер аҳли фаришта бўлса, Осмондан фаришта элчи юборилишини уқтириб, пучга чиқарди. Шунингдек, Аллоҳ таоло пайғамбарларни рад этган кишиларнинг қуйидаги сўзларни айтганларини ҳикоя қилди:

﴿...إِنْ أَنْتُمْ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا تُرِيدُونَ أَنْ تَصُدُّونَا عَمَّا كَانَ يَعْبُدُ آبَاؤُنَا فَأَثْبُوا بِسُلْطَنِ مُبِينٍ قَالَتْ لَهُمْ رُسُلُهُمْ إِنْ نَحْنُ إِلَّا بَشَرٌ مِثْلُكُمْ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَمُنُّ عَلَىٰ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَمَا كَانَ لَنَا أَنْ نَأْتِيَكُمْ بِسُلْطَنِ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ...﴾

«Сиз бизга ўхшаш башардан ўзга ҳеч нарсa эмассиз. Бизни оталаримиз ибодат қилиб юрган нарсадан тўсмоқчисиз. Бас, бизга очиқ-ойдин ҳужжат келтиринг». Пайғамбарлари уларга: «Биз сизга ўхшаш башардан ўзга ҳеч нарсa эмасмиз. Лекин Аллоҳ Ўз бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга (Пайғамбарлик) инъом

қилур. Биз ўзимизча сизга бирор ҳужжат келтира олмаймиз, илло Аллоҳнинг изни ила. Мўминлар фақат Аллоҳгагина таваккал қилсинлар». (Яъни, бу гапингиз тўғри. Биз фаришта ҳам ёки бошқа бир олий мақомли алоҳида зот ҳам эмасмиз. Бироқ бу дегани одам зотидан Пайғамбар бўлиши мумкин эмас деган гап эмас. Тўғри, биз башармиз.) [Иброҳим: 10-11].

*

Охират кунига иймон келтириш

Охират — одамлар ҳисоб бериш ва мукофотланиш учун қайта тириладиган Қиёмат кунидир.

Охират (охирги кун) деб номланишининг сабаби, жаннат аҳли жаннатдаги, жаҳаннам аҳли жаҳаннамдаги жойларини олганидан сўнг, (бу дунё кунлари каби фоний бўладиган) ҳеч қандай кун бўлмаслигидандир.

Охират кунига иймон келтириш уч масалани ўз ичига олади:

Биринчи масала: Қайта тирилишга ишониш.
У — сурга иккинчи марта дам урилганида

ўликларни тирилтиришидир. У пайтда одамлар Оламлар Рабби учун ялангоёқ, кийимсиз яланғоч ва аъзолари бус-бутун хатна қилинмаган ҳолатда қабрлардан чиқиб келадилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿...كَمَا بَدَأْنَا أَوَّلَ خَلْقٍ نُعِيدُهُ وَعَدًا عَلَيْنَا إِنَّا كُنَّا فَاعِلِينَ﴾

«Аввал қандай яратган бўлсак, шундай ҳолга қайтарамиз. Бу зиммамиздаги ваъдадир. Албатта, Биз буни қилгувчимиз» [Анбиё: 104].

Қайта тирилиш Қуръон, Суннат ва мусулмонлар ижмоъси далолат қилган ўзгармас ҳақиқатдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ثُمَّ إِنَّكُمْ بَعْدَ ذَلِكَ لَمَعْنُونَ 15 ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ تُبْعَثُونَ 16﴾

«Сўнгра, албатта, сизлар бундан кейин ўлгувчисизлар. Сўнгра, албатта, сизлар қиёмат куни қайта тирилтирилурсизлар» [Мўминун: 15-16].

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

﴿يُحْشَرُ النَّاسُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ خِفَاءً عَرَاءَ غُرُلًا﴾.

«Одамлар Қиёмат кунда ялангоёқ ва хатна қилинмаган ҳолатларида (маҳшаргоҳга) жамланадилар». ¹ Муттафақун алайҳи.

Мусулмонлар ҳам қайта тирилишнинг ҳақлигини бир овоздан тасдиқ — ижмоъ қилганлар. Қайта тирилиш – Аллоҳ таоло пайғамбарлар юбориб, бандаларга етказган топшириқ вазифаларга биноан мукофотлаш ёки азоблаш учун бўлган ҳикматнинг тақозосидир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ 115﴾

«Наҳотки Бизнинг сизни яратишимиз беҳуда бўлган ва сиз Бизга қайтарилмассиз, деб ҳисобласангиз?!» [Мўминун: 115]. Аллоҳ таоло ўз Набийи соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай деди:

﴿إِنَّ الَّذِي فَرَضَ عَلَيْكَ الْقُرْآنَ لَرَأْدُكَ إِلَيَّ مَعَادٍ...﴾

«Сизга Қуръонни фарз қилган Зот, албатта, сизни қайтар жойга қайтаргувчидир» [Қасос: 85].

Иккинчи масала: Ҳисоб ва жазога ишониш. Банда ўзининг қилган барча амаллари учун

¹ Имом Муслим (2859).

ҳисоб қилиниб, мукофот ёки жазо олади. Бунга Қуръон, Суннат ва мусулмонлар ижмоъси далолат қилади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ إِلَيْنَا إِيَابَهُمْ 25 ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا جِسَابَهُمْ 26﴾

«Албатта, уларнинг қайтиши Бизгадир. Сўнгра, албатта, уларнинг ҳисоб-китоби ҳам Биздадир» [Ғошия: 25-26].

﴿مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالِهَا وَمَنْ جَاءَ بِالْسَيِّئَةِ فَلَا يُجْزَى إِلَّا مِثْلَهَا وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ 160﴾

«Ким бир яхшилик қилса, унга ўн баробар қайтарилир. Ким бир ёмонлик қилса, унга фақат қилганига яраша жазо бўладур. Ва уларга зулм қилинмас» [Анъом: 160].

﴿وَنَضَعُ الْمَوَازِينَ الْقِسْطَ لِيَوْمِ الْقِيَمَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْئًا وَإِنْ كَانَ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ أَتَيْنَا بِهَا وَكَفَى بِنَا حُسِيبِينَ 47﴾

«Биз қиёмат куни учун адолат тарозуларини қўюримиз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтируримиз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурумиз» [Анбиё: 47].

Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ يُدْنِي الْمُؤْمِنَ، فَيَضَعُ عَلَيْهِ كَفَّهُ - أَيُّ سِتْرِهِ - وَيَسْتُرُهُ: فَيَقُولُ: أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا؟ أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا؟ فَيَقُولُ: نَعَمْ أَيُّ رَبِّ، حَتَّى إِذَا قَرَّرَهُ بِذُنُوبِهِ، وَرَأَى فِي نَفْسِهِ أَنَّهُ هَلَكَ قَالَ: سَتَرْتُهَا عَلَيْكَ فِي الدُّنْيَا وَأَنَا أَغْفِرُهَا لَكَ الْيَوْمَ، فَيُعْطَى كِتَابَ حَسَنَاتِهِ، وَأَمَّا الْكُفَّارُ وَالْمُنَافِقُونَ فَيُنَادَى بِهِمْ عَلَى رُؤُوسِ الْخَلَائِقِ: هَؤُلَاءِ الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَى رَبِّهِمْ، أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ»

«Қиёмат куни Аллоҳ таоло мўминни ўзига яқинлаштириб, бошқалардан тўсадида: «Фалон ва фалон гуноҳларингни биласанми?» деб сўрайди. Банда: «Ҳа, Раббим», деб жавоб беради. Аллоҳ таоло барча гуноҳларига иқрор қилдириб, банда ўз ҳалокатини кўрганида: «Бандам, Мен сенинг бу гуноҳларингни дунёда яширдим. Бугун эса, сен учун уларни кечираман», дейдида, бандага яхшилик номаси ўнг тарафидан берилади. Аммо кофир ва мунофиқларга барча халойиқ олдида жар солиниб: «Анавилар Раббиларига ёлғон сўзладилар. Билингларки, золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», дейилади».¹ Муттафақун алайҳи.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлганки:

¹ Имом Бухорий (2309) ва имом Муслим (2768).

«أَنَّ مَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَعَمِلَهَا؛ كَتَبَهَا اللَّهُ عِنْدَهُ عَشْرَ حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ إِلَى أَضْعَافٍ كَثِيرَةٍ، وَأَنَّ مَنْ هَمَّ بِسَيِّئَةٍ فَعَمِلَهَا؛ كَتَبَهَا اللَّهُ سَيِّئَةً وَاحِدَةً».

«Ким яхшиликка қасд қилиб, уни қилса, Аллоҳ унга Ўз ҳузурида ўнтадан етти юзтага қадар ва ундан бир неча баробар кўп савоб беради. Ким ёмонликка қасд қилса ва уни қилса, Аллоҳ унга битта ёмонлик ёзади».¹

Қиёмат куни инсон қилган амаллари учун ҳисоб-китоб ва шунга яраша мукофот ёки жазо олишига мусулмонлар иттифоқ қилганлар. Бу илоҳий ҳикматнинг тақозосидир. Чунки Аллоҳ таоло китоблар нозил қилиб, пайғамбарлар юборди ва улар олиб келган нарсани қабул қилишни, амал қилиш фарз қилинган ўринларни бажаришни фарз қилди. Унга қарши чиққанларга қарши урушишни вожиб қилди ва уларнинг қонлари, зурриётлари, аёллари ва мол-дунёларини ҳалол қилди. Агар ҳисоб-китоб ҳам, мукофот-у жазо ҳам бўлмаганида, бу ишларнинг барчаси беҳуда бўлган бўларди. Аллоҳ бундай беҳуда ишни қилишдан пок Зотдир. Аллоҳ таоло қуйидаги оятда бу маъноларга ишора қилади:

¹ Имом Муслим (131).

﴿فَلَنَسْأَلَنَّ الَّذِينَ أُرْسِلَ إِلَيْهِمْ وَلَنَسْأَلَنَّ الْمُرْسَلِينَ 6 فَلَنَقْصُصَنَّ عَلَيْهِمْ مَا كُنَّا غَائِبِينَ 7﴾

«Бас, Биз, албатта, Пайғамбар юборилганлардан ҳам ва, албатта, Пайғамбарлардан ҳам сўрармиз. Бас, уларга илмий равишда қисса қилиб берурмиз. Ҳолбуки, Биз ғойиб бўлмаган эдик» [Аъроф: 6-7].

Учинчи масала: Жаннат ва жаҳаннамга ишониш ва бу иккиси бандаларнинг мангу қоладиган жойидир.

Жаннат Аллоҳ таоло иймон келтиришга буюрган нарсаларга иймон келтирган, Аллоҳ таолога ихлос ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш билан итоат қилган тақводор мўминларга тайёрлаб қўйилган неъматлар диёридир.

﴿مَا لَا عَيْنٌ رَأَتْ، وَلَا أُذُنٌ سَمِعَتْ، وَلَا خَطَرَ عَلَى قَلْبِ بَشَرٍ﴾

«Жаннатда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсоннинг хаёлига ҳам келмаган» анвойи турдаги неъматлар бор.¹ Аллоҳ таоло айтади:

¹ Имом Бухорий (4501) ва имом Муслим (2824).

﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَٰئِكَ هُمْ خَيْرُ الْبَرِيَّةِ 7 جَزَاؤُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّتٌ عَدْنٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ذَٰلِكَ لِمَنْ خَشِيَ رَبَّهُ 8﴾

«Албатта, иймон келтирганлар ва солиҳ амалларни қилганлар, ана ўшалар, халойиқнинг энг яхшиларидир. Уларнинг мукофотлари Раббилари ҳузуридаги остидан анҳорлар оқиб турган жаннат «адн»дир. У ерда абадул абад қолажаклар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам У зотдан рози бўлдилар. Бу Раббисидан кўрққанлар учундир» [Баййина: 7-8].

﴿فَلَا تَعْلَمَ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُمْ مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءُ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ 17﴾

«Бас, ҳеч бир жон ўзлари учун қилиб ўтган амаллари мукофотига беркитиб қўйилган кўз қувончларини билмас» [Сажда: 17].

Жаҳаннам эса, пайғамбарларга иймон келтирмаган ва осий бўлган золим кофирлар учун Аллоҳ тайёрлаб қўйган, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсон хаёлига келмаган турли-туман қийноқлар маконидир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ 131﴾

«Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқинглар!» [Оли Имрон: 131].

﴿وَقُلِ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكُمْ فَمَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْفُرْ إِنَّ أَعْتَدْنَا لِلظَّالِمِينَ نَارًا أَحَاطَ بِهِمْ سُرَادِقُهَا وَإِنْ يَسْتَغِيثُوا يُغَاثُوا بِمَاءٍ كَالْمُهْلِ يَشْوِي الْوُجُوهَ بِئْسَ الشَّرَابُ وَسَاءَتْ مُرْتَفَقًا 29﴾

«Сиз: «Бу ҳақ Раббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсин, ким хоҳласа, куфр келтирсин», деб айтинг. Албатта, Биз золимларга деворлари уларни ўраб оладиган оловни тайёрлаб қўйганмиз. Агар ёрдам сўрасалар, эритилган маъдан каби юзларни қўғирувчи сув билан «ёрдам» берилур. Нақадар ёмон шароб ва нақадар ёмон жой!» [Каҳф: 29].

﴿إِنَّ اللَّهَ لَعَنَ الْكُفْرِينَ وَآمَدَ لَهُمْ سَعِيرًا 64 خُلِدِينَ فِيهَا أَبَدًا لَا يَجْدُونَ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا 65 يَوْمَ ثَقُلَتْ وُجُوهُهُمْ فِي النَّارِ يَقُولُونَ يَلْبِسْنَا أَطْعَمَنَا اللَّهُ وَأَطْعَمَنَا الرَّسُولَ 66﴾

«Албатта, Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва уларга дўзахни тайёрлаб қўйди. Улар унда абадий бардавом қолурлар. На бир дўст ва на бир ёрдамчи топа олмаслар. Юзлари олов ичида айлантирилаётган кунда улар: «Вой шўримиз қурсин, кошки Аллоҳга итоат қилсак эди, Расулига итоат қилсак эди», дерлар» [Аҳзоб: 64-66].

Охират кунига иймон келтиришда улкан самаралар бор, улардан:

Биринчи: Охиратда бериладиган савоб умидида тоат-ибодатга рағбат ва жидду жаҳд қилиш.

Иккинчиси: Охират жазосидан қўрқиб, гуноҳ қилмаслик ёки унга рози бўлмаслик.

Учинчи: Мўмин киши бу дунёда эриша олмаган неъматлар эвазига охират неъматлари ва савобларини умид қилиб, хотиржам бўлиши.

Кофирлар «мумкин эмас» деган гумон билан, ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор этдилар.

Бу гумоннинг ботил эканига шаръий, ҳиссий ва ақлий далиллар бор.

Шаръий далиллар, Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

﴿رَبِّ عَمِ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنْ لَنْ يُبْعَثُوا قُلْ بَلَىٰ وَرَبِّي لَتُبْعَثُنَّ ثُمَّ لَتُنَبَّيُنَّ بِمَا عَمِلْتُمْ وَذَٰلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ 7﴾

«Кофирлар ҳеч қайта тирилмасликларини даъво қилдилар. Сиз: «Ундоқ эмас, Раббим билан қасамки, албатта қайта тирилтирилурсизлар, сўнгра қилган ишларингиздан хабардор қилинурсизлар. Бу

иш Аллоҳ учун осондир», деб айтинг» [Тағобун: 7]. Самовий китобларнинг барчаси қайта тирилиш ҳақ ва рост эканига иттифоқ қилган.

Ҳиссий далилларга келсак, Аллоҳ таоло бандаларига бу дунёда ҳам ўликларни қайта тирилтиришини кўрсатди. «Бақара» сурасида бунинг бешта мисоли бор. Улар:

Биринчи мисол: Мусо алайҳиссаломга қавми:

﴿...لَنْ تُؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ نَرَىٰ اللَّهَ جَهْرَةً...﴾

«...Аллоҳ таолони аниқ кўрмагунимизча сенга иймон келтирмаймиз...», деб айтганларида, [Бақара: 55]. Аллоҳ таоло уларни ўлдирди, сўнгра қайта тирилтирди. Аллоҳ таоло бу ҳақда Бани Исроилга хитоб қилиб деди:

﴿وَإِذْ قُلْتُمْ يُمُوسَىٰ لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ نَرَىٰ اللَّهَ جَهْرَةً فَأَخَذَتْكُمُ الصَّاعِقَةُ وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ 55 ثُمَّ بَعَثْنَاكُم مِّنْ بَعْدِ مَوْتِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ 56﴾

«Эй Мусо, Аллоҳни очиқ-равшан кўрмагунимизча сенга ишонмаймиз», деганингизни, шунда сизни ўзингиз назар солиб турганингизда яшин урганини эсланг. Сўнгра ўлимингиздан кейин қайта тирилтирдик, шоядки шукр қилсангиз» [Бақара: 55-56].

Иккинчи мисол: Бани Исроил ўзаро тортишиб қолишгани ва қотиллик сабабли ўлдирилган ўлик қиссаси. Аллоҳ таоло Бани Исроилни сигир сўйиб, унинг бир бўлаги билан ўликни уришга буюриб, шундагина ўлик тирилиб, қотилни айтиб беришини хабар берди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿وَإِذْ قَتَلْتُمْ نَفْسًا فَادَرَأْتُمْ فِيهَا وَاللَّهُ مُخْرِجٌ مَّا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ 72 فَقُلْنَا أَضْرِبُوهُ
بِبَعْضِهَا كَذَلِكَ يُحْيِي اللَّهُ الْمَوْتَىٰ وَيُرِيكُمْ ءَايَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ 73﴾

«Бир жонни ўлдириб қўйиб, у ҳақида ихтилофга тушганингизни эсланг. Аллоҳ сиз беркитган нарсани чиқаргувчидир. «Бас, уни у(сигир)нинг баъзи жойи билан уринг», дедик. Аллоҳ худди шундай қилиб ўликларни тирилтиради ва оят-аломатларини сизга кўрсатади. Шоядки ақл ишлатсангиз» [Бақара: 72-73].

Учинчи мисол: Аллоҳ таоло ўз диёрларидан ўлимдан қочиб чиққан минглаб кишиларни ўлдириб, сўнгра тирилтиргани ҳақидаги қисса. Аллоҳ таоло у ҳақда шундай дейди:

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ خَرَجُوا مِن دِيَارِهِمْ وَهُمْ أُلُوفٌ حَذَرَ الْمَوْتِ فَقَالَ لَهُمُ اللَّهُ
مُوتُوا ثُمَّ أَحْيَاهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ
{243}

«Диёрларидан ўлимдан қочиб чиққан мингларча кишиларнинг (хабарини) билмадингизми?! Бас, Аллоҳ уларга, ўлинг, деди. Сўнгра уларни тирилтирди. Албатта, Аллоҳ одамларга фазл қилувчидир. Лекин кўп одамлар шукур қилмаслар» [Бақара: 243].

Тўртинчи мисол: Хароб бўлган қишлоқдан ўтиб, Аллоҳ таолонинг бу қишлоқни қайта чиройли (файзли) қила олишига шубҳа қилган, натижада, Аллоҳ таоло уни ўлдириб, юз йил ўтгандан сўнг қайта тирилтирган инсон қиссаси. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَوِ كَالَّذِي مَرَّ عَلَى قَرْيَةٍ وَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَى عُرُوشِهَا قَالَ أَنَّى يُحْيِي هَذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا فَأَمَاتَهُ اللَّهُ مِائَةَ عَامٍ ثُمَّ بَعَثَهُ قَالَ كَمْ لَبِثْتَ قَالَ لَبِثْتُ يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ قَالَ بَلْ لَبِثْتَ مِائَةَ عَامٍ فَانْظُرْ إِلَى طَعَامِكَ وَشَرَابِكَ لَمْ يَتَسَنَّهْ وَانْظُرْ إِلَى جَمْرِكَ وَلِنَجْعَلَكَ آيَةً لِلنَّاسِ وَانْظُرْ إِلَى الْعِظَامِ كَيْفَ نُنشِزُهَا ثُمَّ نَكْسُوهَا لَحْمًا فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُ قَالَ أَعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ 259﴾

«Ёки шифтлари устига қулаган қишлоқдан ўтган кишига ўхшашни кўрмадингизми? У: «Аллоҳ буни ўлиmidан кейин қандай тирилтиради?» деди. Бас, Аллоҳ уни юз йил ўлдирди, сўнгра қайта тирилтирди. У зот: «Қанча ётдинг?», деди. У: «Бир кун ёки бир куннинг баъзисича ётдим», деди. У зот: «Балки

юз йил ётдинг, таомингга ва шаробингга назар сол, ўзгаргани йўқ ва эшагингга ҳам қара. Сени одамларга ибрат қилиш учун шундай қилдик. Ва суякларга назар сол, уларни қандоқ ҳаракатга соламиз ва уларга қандоқ гўшт кийгизамиз», деди. Унга равшан бўлганда: «Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирлигини билдим», деди» [Бақара: 259].

Бешинчи мисол: Иброҳим алайҳиссалом қиссаси. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолодан ўликларни қайта тирилтириши ҳақида сўради. Аллоҳ таоло тўртта қушни сўйиб, майдалаб, бир-бирига аралаштириб, сўнгра уларнинг бўлақларини атрофдаги тоғларга тарқатишга, сўнгра эса, уларни чақиришга буюрди. Уларни чақирганда бўлақлар бир-бирига бирикиб, Иброҳим алайҳиссаломнинг олдиларига югуриб келди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ ارْنِي كَيْفَ تُحْيِي الْمَوْتَىٰ قَالَ أُولَٰئِكَ ثُبُورٌ قَالَ بَلَىٰ وَلَٰكِن لِّيُطَمِّنَ قَلْبِي قَالَ فَخُذْ أَرْبَعَةً مِّنَ الطَّيْرِ فَصُرْهُنَّ إِلَيْكَ ثُمَّ أَجْعَلْ عَلَىٰ كُلِّ جَبَلٍ مِّنْهُنَّ جُزْءًا ثُمَّ ادْعُهُنَّ يَأْتِينَكَ سَعْيًا وَاعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ (260)﴾

«Эсла, Иброҳим: «Ё Раббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», деганда, У

зот: «Ишонмадингми?» деди. У: Ишонаман, лекин қалбим хотиржам бўлиши учун», деди. У зот: «Тўртта қушни олгин-да, ўзингга тортиб, кесиб майдала, сўнгра улардан ҳар бир тоққа бўлақларини қўйгин, кейин уларни ўзингга чақир, ҳузурингга тезлаб келурлар ва билгинки, албатта, Аллоҳ Азиз ва Ҳаким зотдир», деди» [Бақара: 260].

Ушбу ҳиссий-воқеий мисоллар ўликларни тирилтириш имкониятларини яққол кўрсатиб турибди. Зеро, юқорида Аллоҳ таолонинг изни билан ўликларнинг тирилиши ва уларнинг қабрдан чиқарилишидаги Аллоҳ таолонинг Исо ибн Марямга берилган мўъжизасига ишора қилиб ўтилди.

Ақл ўликларни тирилтириш ҳақ эканига икки томонлама далолат қилади:

Биринчи: Ер, Осмонлар ва уларнинг ўртасидаги нарсаларни йўқдан бор қилиб яратган Аллоҳ, уларни яна қайта яратишдан ожиз бўлмас. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَهُوَ الَّذِي يَبْدَأُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَهُوَ أَهْوَنُ عَلَيْهِ...﴾

«У махлуқотни йўқдан бор қиладир, сўнгра уни яна қайтадан вужудга келтирадир, бу унга жуда осондир» [Рум: 27].

﴿...كَمَا بَدَأْنَا أَوَّلَ خَلْقٍ نُعِيدُهُ وَعَدًا عَلَيْنَا إِنَّا كُنَّا فَاعِلِينَ﴾

«Аввал қандай яратган бўлсак, шундай ҳолга қайтарамиз. Бу зиммамиздаги ваъдадир. Албатта, Биз бунни қилгувчимиз» [Анбиё: 104]. Аллоҳ таоло чириган суякларни тирилтиришини инкор қилган кимсаларга раддия бериб деди:

﴿فَلْ يُحْيِيهَا الَّذِي أَنشَأَهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ﴾ (79)

«Сиз: «Уларни илк марта йўқдан бор қилган Зот тирилтирур ва у ҳар бир яратилган нарсани яхши билгувчидир», деб айтинг» [Ёсин: 79].

Иккинчи: Майса ва дарахтлари бўлмаган бўз Ер ёмғир ёғиши билан ҳаракатланади ва одамлар учун қувонч бўлиб, тирик — ям-яшил тусни олади. Ерни ўлганидан сўнг тирилтира оладиган Зот ўликларни қайта тирилтиришга албатта қодирдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَنْ أَيْتِيَّةَ أَنَّكَ تَرَى الْأَرْضَ خَاشِعَةً فَإِذَا أَنزَلْنَا عَلَيْهَا الْمَاءَ اهْتَزَّتْ وَرَبَّتْ
إِنَّ الَّذِي أَحْيَاهَا لَمُحْيٍ الْمَوْتَى إِنَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾ (39)

«Яна Унинг оят-белгиларидан, ерни қақраган ҳолда кўришингиздир. Бас, Биз унинг

устидан сув тушурсак, у қимирлар ва ўсадир. Уни тирилтирган зот, албатта, ўликларни ҳам тирилтиргувчидир. Албатта, У зот ҳар бир нарсага қодирдир» [Фуссилат: 39].

﴿وَنَزَّلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً مُبْرَكًا فَأَنْبَتْنَا بِهِ جِبْتٍ وَحَبَّ الْحَصِيدِ 9 وَالنَّخْلَ بَاسِقَاتٍ لَهَا طَلْعٌ نَضِيدٌ 10 رَرَفًا لِلْعِبَادِ وَأَحْيَيْنَا بِهِ بَلْدَةً مَيْتًا كَذَلِكَ الْخُرُوجُ﴾
(11)

«Ва осмондан барака сувини туширдик, ҳамда у билан боғ-роғларни ва дон ҳосилини ўстирдик. Ва зич мевали шингиллари бор хурмоларни ҳам. Бандаларга ризқ қилиб. Ва у (ёмғир) билан ўлган шаҳарни тирилтирдик» [Қоф: 9-11].

Охират кунига иймон келтириш ичига ўлимдан сўнг бўладиган барча нарсаларга иймон келтириш ҳам киради.

А) Қабр синови, маййитнинг дафн қилинганидан сўнг Рабби, дини ва пайғамбари ҳақида сўроқ қилинишидир. Аллоҳ таоло бу синовда мўминларни мустаҳкам сўз билан собитқадам қилади. Шунинг учун ҳам мўмин: «Раббим — Аллоҳ, диним — Ислом ва пайғамбарим — Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам», деб айтади. Золимларни эса, Аллоҳ

таоло адаштиради. Кофир: «А... а... билмайман», дейди. Мунофиқ ёки (Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам олиб келган диндан) шубҳа қилган киши эса:

«Билмайман одамларнинг алла-нарсалар деганини эшитардим ва мен ҳам ўша сўзларни айтар эдим», дейди.

Б) Қабр азоблари ва неъматлари:

Қабр азоби мунофиқ ва кофирлар каби золимлар учун тайёрлаб қўйилгандир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿...وَلَوْ تَرَىٰ إِذِ الظَّالِمُونَ فِي غَمَرَاتِ الْمَوْتِ وَالْمَلَائِكَةُ بَاسِطُوا أَيْدِيهِمْ أَخْرَجُوا أَنفُسَكُمْ يَوْمَ تَجْزَوْنَ عَذَابَ الْهُونِ بِمَا كُنتُمْ تَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ غَيْرَ الْحَقِّ وَكُنتُمْ عَنْ آيَاتِهِ تَسْتَكْبِرُونَ﴾

«Золимларнинг ўлим талвасаси пайтларини, фаришталарнинг уларга қўл чўзиб: «Жонингизни чиқаринг! Бугунги кунда Аллоҳга нисбатан ноҳақ гап айтганларингиз учун ва Унинг оятларидан мутакаббирлик қилиб юрганингиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз», дегандаги ҳолларини кўрсангиз эди» [Анъом: 93].

Аллоҳ таоло Фиръавн хонадони ҳақида шундай дейди:

﴿النَّارُ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ أَدْخِلُوا آلَ فِرْعَوْنَ أَشَدَّ الْعَذَابِ 46﴾

«У оловдир. Унга эртаю кеч кўндаланг қилинурлар. (Қиёмат) соати қоим бўлганида эса: «Фиръавн аҳлини энг ашаддий азобга киритинглар», дейилур» [Ғофир: 46].

Саҳиҳ Муслимда Зайд ибн Собит разияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам:

«قُلُوا أَنْ لَا تَدَافِنُوا لَدَعَوْتُ اللَّهَ أَنْ يُسَمِعَكُمْ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ الَّذِي أَسْمَعُ مِنْهُ»
«(Вафот этганларни) дафн қилмай қўйишингиз (хавфи) бўлмаганида Аллоҳга дуо қилиб, мен эшитаётган қабр азобини сизларга ҳам эшиттиришни сўраган бўлар эдим», Сўнг У зот соллаллоху алайҳи ва саллам бизга юзланиб,
«تَعَوُّدُوا بِاللَّهِ مِنْ عَذَابِ النَّارِ».

«Дўзах азобилан Аллоҳдан паноҳ сўранглар», дедилар. «Дўзах азобидан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз», дейишди.

«تَعَوُّدُوا بِاللَّهِ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ»

«Аллоҳдан қабр азобидан паноҳ сўранглар», дедилар. «Қабр азобидан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз», дейишди.

«تَعَوُّدُوا بِاللَّهِ مِنَ الْفِتَنِ، مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ»

У зот: «Аллоҳдан фитналарнинг ошкораси ва пинҳонасидан паноҳ сўранглар», дедилар.

Улар: «Аллоҳдан, фитналарнинг ошкораси-ю яширинидан паноҳ сўраймиз», дейишди.

«تَعَوُّدُوا بِاللَّهِ مِنْ فِتْنَةِ الدَّجَالِ»

У зот: «Аллоҳдан Дажжол фитнасидан паноҳ сўранглар», дедилар. Улар: «Аллоҳдан Дажжолнинг фитнасидан паноҳ сўраймиз», – дедилар.¹

Қабр неъматлари эса садоқатли мўминлар учун тайёрлаб қўйилгандир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقَمُوا تَتَنَزَّلُ عَلَيْهِمُ الْمَلَائِكَةُ أَلَّا تَخَافُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَبْشِرُوا بِالْجَنَّةِ الَّتِي كُنْتُمْ تُوعَدُونَ 30﴾

«Албатта, «Раббимиз Аллоҳ» деган, сўнгра мустақим бўлганларнинг устиларидан фаришталар: «Қўрқманглар, маҳзун ҳам бўлманглар, сизларга ваъда қилинган жаннат хушxabарини қабул қилинглар», дерлар» [Фуссилат: 30].

﴿قُلْ لَا إِذَا بَلَغَتِ الْحُلُقُومَ 83 وَأَنْتُمْ حِينِيذٍ تَنْظُرُونَ 84 وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْكُمْ وَلَكِنْ لَا تُبْصِرُونَ 85 قُلْ لَا إِنْ كُنْتُمْ غَيْرَ مَدِينِينَ 86 تَرْجِعُونَهَا إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ 87 فَأَمَّا إِنْ كَانَ مِنَ الْمُقَرَّبِينَ 88 فَرَوْحٌ وَرَيْحَانٌ وَجَنَّتُ نَعِيمٍ 89﴾

¹ Имом Муслим (2867).

«Жонингиз ҳалқумга келганда ва сизлар ўша вақтда қараб турганингизда. Биз сизларга қараганда унга яқинроқмиз, лекин сизлар кўрмайсизлар. Агар сизлар ҳисоб китоб қилинмайдиган бўлсангизлар, У(жон)ни ўрнига қайтаринг-чи! Агар ростгўй бўлсангиз! Агар, у муқарраблардан бўлса, роҳатда, фароғатда ва сернеъмат жаннатдадир» [Воқеа: 83-89].

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳу деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, қабрида икки фариштанинг саволига жавоб берган мўмин ҳақида шундай дедилар:

«يُنَادِي مُنَادٍ مِنَ السَّمَاءِ: أَنْ صَدَقَ عَبْدِي، فَأَفْرَسُوهُ مِنَ الْجَنَّةِ، وَالْبَسُوهُ مِنَ الْجَنَّةِ، وَافْتَحُوا لَهُ بَابًا إِلَى الْجَنَّةِ، قَالَ: فَيَأْتِيهِ مِنْ رَوْحِهَا وَطَيِّبِهَا، وَيُفْسَخُ لَهُ فِي قَبْرِهِ مَدَّةَ بَصَرِهِ»

«Осмондан ҳайқирувчи нидо қилади: «Бандам рост айтди. Бас, унга жаннатдан тўшак тўшатинг, жаннат (кийим)ларидан кийдирувчи ва унга жаннат тарафга очиладиган бир дарвоза очинг». Шунда унга жаннатнинг шамоли ва хушбўйлиги келиб туради, қабри эса кўзи илғайдиган миқдорда кенгайтирилади».

Аҳмад ва Абу Довуднинг узун ҳадисдаги ривояти.¹

Адашган баъзи қавмлар қабр азоби ва неъматларини: «Бу воқега муҳолиф бўлгани учун мумкин эмас. Чунки, қабр очиб кўрилса, ўлик ўзининг аввалги ҳолатида турибди. Қабр эса, на кенгайибди ва на торайибди», деб гумон қилишиб, инкор этадилар.

Бу даъво шаръий, ҳиссий ва ақлий далиллар асосида ботилдир.

Шаръий далилларга келсак, Қабр азоби ва неъматларига далолат қиладиган наслар (оят ва ҳадислар) юқорида айтиб ўтилди.

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ида Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. У деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинанинг баъзи бўстонларига чиқиб, қабрларида азобланаётган икки

одамнинг овозини эшитдилар... ва:

«أَنَّ أَحَدَهُمَا كَانَ لَا يَسْتَتِرُ مِنَ الْبَوْلِ»

«Уларнинг бири пешобдан сақланмас» Бошқа бир ривоятда:

¹ Абу Довуд (4753) ва Аҳмад (18534).

«Ўзининг пешобидан»

«وَأَنَّ الْآخَرَ كَانَ يَمْشِي بِالنَّمِيمَةِ»،

«иккинчиси эса чақимчилик қилар эди», дедилар». Имом Муслим ривоятида эса:
«لَا يَسْتَنْزَهُ مِنَ الْبَوْلِ».

«Сийдикдан ўзини сақламас эди», дейилган.¹

Аммо ҳис-туйғўга келсак: ухлаётган киши тушида ўзини кенг ва гўзал жойда неъматланиб юрганини ёки тор ва қўрқинчли жойда азоб чекканини кўради; ҳатто баъзан кўрганлари сабабли уйғониб ҳам кетади. Шунга қармай, у ўз ҳолатида хонасидаги тўшагида ётган бўлади. Уйқу ўлимнинг укасидир. Шу сабабдан Аллоҳ таоло уни «вафот» деб атаган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿اللَّهُ يَتَوَفَّى الْأَنفُسَ حِينَ مَوْتِهَا وَالَّتِي لَمْ تَمُتْ فِي مَنَامِهَا فَيُمْسِكُ الَّتِي قَضَىٰ عَلَيْهَا الْمَوْتَ وَيُرْسِلُ الْأُخْرَىٰ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى...﴾

«Аллоҳ жонларни ўлими вақтида, ўлмаганларини эса, уйқуси вақтида олур. Бас, ўлишига ҳукм қилганларини ушлаб қолур, қолганларини маълум муддатгача қўйиб юборур» [Зумар: 42].

¹ Имом Бухорий (215).

Уйқудаги одам тушида воқега мутаносиб нарсаларни кўради. Ҳатто, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳам ўз сифатлари билан кўриши мумкин. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни тушида кўрган киши У зотни айнан кўрган бўлади. Шундай бўлсада, ухлаётган одам кўрган нарсасидан жуда олисда, ўз хонасида кўрпасига ўраниб ётган бўлади. Бундай ишлар дунё ишларида мумкин бўлар экан, охират ишларида қандай мумкин бўлмасин?!

Аммо юқоридаги одамларнинг: «Қабрни очиб кўрилса, ўлик ўзининг аввалги ҳолатида турибди. Қабр на кенгайибди ва на торайибди», деган гумонларига бир неча хил жавоб бериш мумкин.

Биринчи жавоб: Шариат олиб келган хабарларга бундай ғализ шубҳалар

билан қараш мумкин эмас. Агар ушбу сўзларни айтаётган кимсалар шариат олиб келган нарсалар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрсалар эди, ушбу шубҳаларни ботил эканини ўзлари ҳам билиб олар эдилар. Бир шоир қуйидаги

шеърларни айтиб тўғри сўзлаган, (маъноси):
Қанча-қанча айбловчи тўғри сўзни
айблайди.

Унинг офати ёмон фаҳмдан.

(Яъни: Тўғри сўзни айблайдиган қанча-қанча одам борки, унинг офати нотўғри тушунишдадир).

Иккинчи жавоб: Барзах ҳаёти ҳиссиёт аъзолари идрок эта олмайдиган ғайб ишларидандир. Агар уни ҳиссиёт аъзолари идрок эта олганда эди, ғайбга иймон келтиришни фойдаси йўқолар ҳамда ғайбга иймон келтирган ва иймон келтирмаган кимсалар баробар бўлар эдилар.

Учинчи жавоб: Қийноқ, неъматлар, қабрнинг кенглиги ва торлигини бошқалар эмас, маййитнинг ўзи ҳис қилади. Ҳолбуки, уйқудаги одам тушида ўзининг тор ва қўрқинчли жойда ёки кенг ва роҳатбахш ўринда эканини кўради. Худди шу пайтда унинг ёнидагилар бу нарсаларни ҳис қилишмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан турганларида ваҳий нозил бўлар, бунини саҳобалар эшитмас, фаришта баъзида инсон

шаклида намоён бўлиб сўзлар, саҳобалар уни на кўришар ва на эшитишар эдилар.

Тўртинчи жавоб: Махлуқотларнинг идрок этиши Аллоҳ таоло берган имконият билан чекланган. Улар барча мавжудотларни идрок этиш имкониятига эга эмаслар. Шунинг учун ҳам, етти қават Осмон, Ер ва улар ўртасидаги барча нарсалар Аллоҳ таолога ҳамду тасбеҳлар айтадиларки, Аллоҳ таоло буни гоҳо Ўзи хоҳлаган бандасига эшиттиради. Шундай бўлсада, бу нарсалар биздан пардаланган. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿نُسَبِّحُ لَهُ السَّمَوَاتِ السَّبْعَ وَالْأَرْضُ وَمَنْ فِيهِنَّ وَإِنْ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا يُسَبِّحُ بِحَمْدِهِ وَلَكِنْ لَا تَفْقَهُونَ تَسْبِيحَهُمْ...﴾

«Унга етти осмону ер ва улардаги кимсалар тасбеҳ айтур. Унинг ҳамди ила тасбеҳ айтмаган ҳеч бир нарса йўқ. Лекин уларнинг тасбеҳини англамассизлар» [Исро: 44]. Жин ва шайтонлар Ер юзида юрадилар, бироқ биз уларни хис этмаймиз. Уларнинг бир гуруҳи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, Қуръон тиловатини сукут сақлаб эшитдилар ва ўз қавмларига огоҳлантирувчи

бўлиб қайтдилар. Аллоҳ таоло бу тўғрисида шундай дейди:

﴿يٰۤاٰدَمُ لَا يَفْتِنَنَّكُمُ الشَّيْطٰنُ كَمَا اَخْرَجَ اٰبَوَيْكُم مِّنَ الْجَنَّةِ يَنْزِعُ عَنْهُمَا لِبَاسَهُمَا لِيُرِيَهُمَا سَوْۤءَۤمَا عَلَيْهِمَا اِنَّهٗ يَرٰكُمۡ هُوَ وَقَبِيْلُهُۥ مِنْ حَيْثُ لَا تَرَوْنَهُمَا اِنَّا جَعَلْنَا الشَّيْطٰنَ اَوْلِيَّاءَ لِلَّذِيۡنَ لَا يُؤْمِنُوۡنَ ۝۲۷﴾

«Эй Одам болалари, шайтон ота-онангизни ўзларига авратларини кўрсатиш учун устларидан либосларини ечиб, жаннатдан чиқарганидек, сизни ҳам фитнага солмасин. Албатта, у ва унинг ёрдамчилари сизни кўради, сиз эса уларни кўрмайсиз. Биз, албатта, шайтонларни иймон келтирмайдиганларга дўст қилганмиз» [Аъроф: 27]. Демак, махлуқотлар, модомики, барча нарсаларни идрок эта олмас эканлар, далиллар билан собит бўлган ғайб ишларини инкор этишлари мумкин эмас.

*

Қадар (тақдир)га иймон келтириш

Қадар — Аллоҳ таолонинг нарсаларни бўлишидан аввал билиши ва Ўз ҳикмати тақозосига муносиб ўлароқ, бутун коинот учун қўйган ўлчовидир.

Қадарга иймон келтириш тўрт масалани ўз ичига олади.

Биринчи масала: Аллоҳ таоло барча нарсани – умумий ва батафсил, азалдан абадий билувчи эканига иймон келтириш. Унга тааллуқли амаллар бўладими ёки бандаларининг амаллари бўладими — барчасини билиб туради деб иймон келтириш. (Яъни Аллоҳ таоло Ўзи нима қилишини ҳам, бандалар нима қилишини ҳам батафсил азалдан билган ва бундан кейин ҳам абадий билади, деб иймон келтириш.)

Иккинчи масала: Аллоҳ таоло барча нарсани «Лавҳул-Маҳфуз»га ёзиб қўйганига ишониш. Аллоҳ таоло бу икки нарса ҳақида шундай деди:

﴿أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ إِنَّ ذَلِكَ فِي كِتَابٍ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ﴾ (70)

«Аллоҳ, албатта, Осмону Ердаги нарсани билишини, ана ўша, албатта, китобда эканини ва, албатта, у нарса Аллоҳга осон эканини билмайсизми?!» [Ҳаж: 70].

Саҳиҳ Муслимда Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим:

«كَتَبَ اللَّهُ مَقَادِيرَ الْخَلَائِقِ قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِخَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ».

«Аллоҳ таоло махлуқотларнинг тақдирини Ер ва Осмонни яратишдан эллик минг йил аввал ёзиб қўйган».¹

Учинчи масала: Барча нарсалар, улар хоҳ Аллоҳ таолонинг ишларига, хоҳ махлуқотларнинг ишларига тааллуқли бўлсин, Аллоҳ таолонинг хоҳиши билан бўлишига иймон келтириш. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَرَبُّكَ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ وَيَخْتَارُ...﴾

«Ва Раббинг хоҳлаганини яратиб, хоҳлаганини ихтиёр қилур» [Қасос: 68].

﴿...وَيَفْعَلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ﴾

«Аллоҳ хоҳлаганини қилур» [Иброҳим: 27].

﴿هُوَ الَّذِي يُصَوِّرُكُمْ فِي الْأَرْحَامِ كَيْفَ يَشَاءُ...﴾

«У сизларни бачадонларда хоҳлаган суратга соладиган Зотдир» [Оли Имрон: 6].

Бандаларнинг ишларига тааллуқли нарсалар ҳақида эса шундай дейди:

﴿...وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَسَلَّطَهُمْ عَلَيْكُمْ فَلَقَاتَلُوكُمْ...﴾

¹ Имом Муслим (2653).

«Аллоҳ хоҳлаганида, уларни сиздан устун қилиб қўярди ва улар сизларга қарши уруш қилардилар» [Нисо: 90].

﴿...وَلَوْ شَاءَ رَبُّكَ مَا فَعَلُوهُ فَذَرْهُمْ وَمَا يَفْتَرُونَ﴾

«Раббингиз хоҳласа, бундай қилмас эдилар. Бас, уларни ўзлари тўқиган нарсалари ила ёлғиз қўйинг!» [Анъом: 112].

Тўртинчи масала: Барча мавжудотлар ўз зоти, сифатлари ва ҳаракатлари билан Аллоҳ таолонинг махлуқотларидир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿اللَّهُ خَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ﴾ [62]

«Аллоҳ ҳар бир нарсанинг яратгувчисидир. Ва У ҳар бир нарсага вакилдир» [Зумар: 62].

﴿...وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا﴾

«Ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир» [Фурқон: 2]. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг ўз қавмига айтган сўзларини келтириб, шундай марҳамат қилади:

﴿وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ﴾ [96]

«Ҳолбуки, сизни ҳам, қилган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!» деди» [Соффот: 96].

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тақдирга иймон келтириш банданинг ишларидаги ихтиёри, хоҳиши ёки қудрати бор эканини инкор этмайди. Чунки, шариат ва воқелик бунинг исботига далолат қилади.

Шариатнинг далолати:

Аллоҳ таоло хоҳиш ҳақида шундай дейди:

﴿...فَمَنْ شَاءَ اتَّخَذَ إِلَىٰ رَبِّهِ مَآبًا﴾

«Бас, Ким хоҳласа, ўз Раббига қайтар йўл оладир» [Наба: 39].

﴿...فَاتَّوُوا حَرَّتْكُمْ أَنَّىٰ شِئْتُمْ﴾

«Бас, экинзорингизга хоҳлаганингиздай келинг» [Бақара: 223]. Яна у зот қудрат ҳақида шундай дейди:

﴿فَاتَّقُوا اللَّهَ مَا اسْتَطَعْتُمْ وَأَسْمِعُوا وَأَطِيعُوا...﴾

«Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг ва (амрини) тингланг ва итоат қилинг...» [Тағобун: 16].

﴿لَا يَكْلَفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ...﴾

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарасага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир» [Бақара: 286].

Воқеликнинг далолати: Ҳар бир инсон ўзининг хоҳиши билан рўй бераётган бир ишни қилиш ёки қилмаслик, ўтириш, юриш каби ҳаракатлар билан, титроқ сингари ўз хоҳишидан ташқари бўлган нарсалар ўртасини фарқлай оладиган хоҳиш ва қудрати бор эканини билади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿لَمَنْ شَاءَ مِنْكُمْ أَنْ يَسْتَقِيمَ 28 وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ﴾
(29)

«Сизларнинг орангиздаги тўғри йўлда бўлмоқни хоҳлаган кишилар учун (бир эслатмадир). Оламларнинг Рабби Аллоҳ хоҳламаса, сизлар хоҳлай олмассизлар. (Ҳар бир нарса Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқ. Ҳар бир нарса Аллоҳ таолонинг хоҳиши ила бўлади.) [Таквир: 28-29]. Чунки, барча коинот Аллоҳ таолонинг мулки бўлиб, Унинг мулкида Унинг илми ва хоҳишисиз бирон нарса содир бўлмайди.

Сифатлаб ўтгандай тақдирга иймон келтириш, бандаларга тарк этган фарзлари ёки қилган гуноҳлари учун ҳужжат бўлиб бермайди. Шунинг учун бу нарсаларга қадарни баҳона қилиш бир нечта жиҳатдан ботилдир:

Биринчи: Аллоҳ таоло айтади:

﴿سَيَقُولُ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكْنَا وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَمْنَا مِنْ شَيْءٍ كَذَلِكَ كَذَبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ حَتَّىٰ ذَاقُوا بَاسَنَا قُلْ هَلْ عِنْدَكُمْ مِنْ عِلْمٍ فَتُخْرِجُوهُ لَنَا إِنْ تَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَخْرُصُونَ 148﴾

Ҳали ширк келтирганлар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганда биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк келтирмас эдик ва бирор нарсани ҳаром қилмас эдик», дерлар. Улардан олдингилари ҳам азобимизни татигунларига қадар шунга ўхшаш ёлғонга чиқариб турганлар. Сиз: «Сизнинг ҳузурингизда бизга чиқариб кўрсатадиган бирон илм-ҳужжат борми? Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасиз ва сизлар фақат ёлғон гапирмоқдасиз» – деб айтинг» [Анъом: 148]. Уларнинг тақдир билан ҳужжат келтиришлари тўғри бўлганда эди, Аллоҳ таоло уларга азобини тоттирмаган бўлар эди.

Иккинчи: Аллоҳ таоло айтади:

﴿رُسُلًا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرُّسُلِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا 165﴾

«Башорат берувчи ва огоҳлантирувчи Пайғамбарларни Аллоҳ ҳузурида одамларга Пайғамбарлардан сўнг ҳужжат бўлмаслиги учун юбордик. Ва Аллоҳ азиз ва ҳаким бўлган

Зотдир» [Нисо: 165]. Агар тақдир Аллоҳ таолонинг ҳукмига муҳолиф бўлган кимсалар учун ҳужжат бўлганда эди, пайғамбарларни юбориш билан рад қилинмаган бўларди. Зеро, пайғамбар юборилганидан сўнг муҳолиф бўлиш ҳам Аллоҳ таолонинг тақдири билан содир бўлади.

Учинчи: Имом Бухорий ва Имом Муслим (лафзи Бухорийники) Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا قَدْ كُتِبَ مَقْعَدُهُ مِنَ النَّارِ أَوْ مِنَ الْجَنَّةِ»

«Сизлардан ҳар бирингизнинг жаҳаннам ёки жаннатдаги жойи тақдирда ёзиб қўйилган», дедилар» Шунда қавмдан бир киши: «Унда (тақдирга) суяниб олмаймизми, ё Расулуллоҳ?» – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«لَا، اَعْمَلُوا فِكْلٌ مُيَسَّرٌ»

«Йўқ, амал қилингиз! Ҳар бир киши муяссар қилинган», дедилар» (Яъни жаннатий кишига жаннатга олиб боровчи амалларни қилиш осон қилиб қўйилган, дўзахи кишига эса, дўзахийлар амалини қилиш осон қилиб қўйилган.) Сўнгра ушбу оятни ўқидилар:

﴿فَأَمَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى 5﴾

«Ана энди ким (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) ато этса ва (Аллоҳдан) қўрқса...» [Лайл: 5]. Имом Муслим якка ўзи ривоят қилган лафзда:

«فَكُلُّ مُيسَّرٍ لِّمَا خُلِقَ لَهُ»

«Ҳар бир киши ўзи яратилган нарса учун муяссар қилинади», деганлар.¹ Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам амал қилишга буюриб, тақдирга суяниб олишдан қайтардилар.

Тўртинчи:

Аллоҳ таоло бандани баъзи нарсаларни қилиш ва баъзи нарсаларни қилмасликка ҳамда уни қодир бўла оладиган нарсаларгагина буюрди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَاتَّقُوا اللَّهَ مَا اسْتَطَعْتُمْ وَأَسْمِعُوا وَأَطِيعُوا...﴾

«Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг ва (амрини) тингланг ва итоат қилинг...» [Тағобун: 16].

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا...﴾

«Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ортиқ нарсани юкламайди» [Бақара: 286]. Агар банда

¹ Имом Бухорий (6605) ва имом Муслим (2647).

Аллоҳ таоло томонидан бирон ишни қилишга мажбур қилинса эди, унда тоқат қила олмайдиган нарсалар юклатилган ва ундан халос бўла олмаган бўлар эди. Бу (тоқатидан ташқари нарсага мажбуран буюрилиши) ботил ишдир. Шунинг учун ҳам, билмасдан, унутиб ёки зўрлаш оқибатида содир этган гуноҳидан банда масъул эмас.

Бешинчи: Аллоҳ таолонинг тақдири махфий сир бўлиб, тақдирдаги нарса содир бўлганидагина ошкор бўлади. Банданинг қилмоқчи бўлган нарсасини хоҳлаши, шу нарсани қилишдан олдин содир бўлади. Демак, унинг бир нарсани хоҳлаши, Аллоҳ таолонинг тақдирини билишликка асосланган эмас. Шунинг учун тақдирни ҳужжат қилиб олиши бекор қилинади, зеро инсон билмаган нарсасини ҳужжат қила олмайди.

Олтинчи: Биз инсонни дунё ишларида то мақсадига етгунча ҳарис бўлиб ҳаракат қилаётганини ва мақсадидан чалғитувчи барча нарсадан бош тортаётганини, сўнгра шунча ҳаракатдан кейин мақсадига ета олмаса тақдирни ҳужжат қилаётганини кўрамиз. Энди

нима учун дин ишларига манфаат берадиган нарсаларни ташлаб зарар берадиган нарсаларни қилиб тақдирни ҳужжат қилади? Дунё ишлари билан дин ишлари бир хил эмасми?

Келинг сизга буни ойдинлаштирувчи бир мисол келтириб берай:

Фараз қилингки, бир одамнинг олдида икки йўл бор. Йўлларнинг биринчиси бошбошдоқлик, қотиллик,

обрўларни тўқиш, хатар ва очарчилик ҳукмрон бўлган шаҳарга, иккинчиси эса интизом, осудалик, фаровонлик,

шахсларнинг обрўлари ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ҳукмрон бўлган шаҳар томон олиб боради. Хўш, у қайси

йўлдан боради?

Шубҳасиз, у иккинчи йўлдан юради. Ақлли одам бошбошдоқлик ва хавф-хатар бўлган шаҳар томон юриб бунга тақдирни ҳужжат қилиши мумкин эмас. У ҳолда, нега у охират масаласида жаннат йўли ўрнига жаҳаннам йўлини танлаб, тақдирни баҳона қилади?

Иккинчи мисол: Бемор учун дори тайинланади-да, У уни хоҳламасада истеъмол қилади. Ва зарар қиладиган таомлар тақиқланади-да, у уларни хоҳласада истеъмол қилмайди. Зеро, бу ишларнинг барчаси шифо топиш ва соғлик илинжидадир. Унинг тақдирни ҳужжат қилиб, дорини истеъмол қилишдан бош тортиши ёки зарар қиладиган таомни истеъмол қилиши мумкин эмас. Шундай экан, нега инсон тақдирни ҳужжат қилиб, Аллоҳ ва Расули буюрган нарсаларни тарк қилади ёки Аллоҳ ва Расули таъқиқлаган ишларни қилади?!

Еттинчи: Аллоҳ таоло буюрган ибодатларни қилмаслиги ёки таъқиқлаган ишларни қилишга тақдирни ҳужжат қилаётган кишига бирор киши тажовуз қилиб, унинг мол-мулкини тортиб олиб, обрўларини тўкиб: «Мени маломат қилма! Менинг тажовузим Аллоҳ таолонинг тақдири билан бўлди», деса, у бу ҳужжатни қабул қилмайди. Банда, тақдирни ҳужжат қилиб бировнинг ўзига тажовуз қилишини қабул қилмас экан, қандай қилиб

тақдирни ўзи учун Аллоҳ таолонинг ҳаққига тажовуз қилишида ҳужжат қилади?!

Ривоят қилинадики, мўминлар амири Умар разияллоҳу анҳунинг ҳузурига ўғрилиқ қилган бир кишини олиб келдилар. Мўминлар амири унинг қўлини кесишга ҳукм қилдилар. Жиноятчи: «Эй амирулмўминийн, шошилманг, ахир мен Аллоҳ таолонинг тақдири билан ўғирладим-ку!», деганида, Умар разияллоҳу анҳу унга жавобан: «Биз ҳам Аллоҳ таолонинг тақдири билан (қўлингни) кесамиз», – дедилар.

Тақдирга иймон келтиришнинг улкан самаралари бор.

Улардан:

Биринчи: Сабабларни бажариш пайтида сабабларга эмас, балки Аллоҳ таолонинг ўзигагина суяниш. Чунки, барча нарса Аллоҳ таолонинг тақдири билан бўлади.

Иккинчи: Тақдирга иймон келтирган киши ўз мақсадига эришгач мағрурланмайди. Чунки, бу эришиш Аллоҳ таолонинг тақдир қилиб қўйган яхшилик ва муваффақият сабаблари билан берган неъматидир. Ўзи билан

мағрурланиши эса, ушбу неъматга бўлган шукрни унуттиради.

Учинчи: Хотиржамлик ва Аллоҳ таолонинг жорий бўлган тақдиридан руҳининг лаззат олиши. Бунинг натижасида эса, инсон севимли нарсага эриша олмагани ёки ёқтирмаган нарсани содир бўлиши билан безовталанмайди. Чунки, бу – Ер ва Осмонлар мулки қўлида бўлган Аллоҳ таолонинг тақдири билан бўлган ва бўлиши муқаррар эди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنْفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ نَبْرَأَهَا إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ 22 لِكَيْلَا تَأْسَوْا عَلَى مَا فَاتَكُمْ وَلَا تَفْرَحُوا بِمَا ءَاتَاكُمْ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ 23﴾

«Бирор мусибатни пайдо қилмасамиздан олдин у Китобда битилган бўлур, акс ҳолда ер юзида ва ўз шахсларингизда сизга бирор мусибат етмас. Албатта, бу иш Аллоҳ учун осондир. Токи, кетган нарсага қайғуриб, келган нарсадан хурсанд бўлмаслигингиз учун, Аллоҳ барча димоғдор ва мақтанчоқларни суймайди» [Ҳадид: 22-23]. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ خَيْرٌ، وَلَيْسَ ذَلِكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ، إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَّاءٌ شَكَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ، وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَاءٌ صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ».

«Мўминнинг иши ажабланарли, ҳайратомуздир. Ҳар бир иш унинг учун яхшиликдир. Бу нарса фақат мўмингагина хосдир. Унга хурсандчилик етса, шукр қилади ва бу унинг учун яхшилик бўлади. Унга танглик етса, сабр қилади ва бу ҳам унинг учун яхшилик бўлади».¹

Тақдир бобида икки тоифа адашиб кетган:

Биринчи тоифа — Жабрийялар. Улар: «Инсон ўз амалларини қилишда мажбурланган бўлиб, унинг ўз ишларида хоҳиш ва қудрати йўқ», деб айтадилар.

Иккинчи тоифа – Қадарийялар. Улар: «Инсон ўз амалини қилишда хоҳиш ва қудрат билан мустақилдир. Унинг амалида Аллоҳ таолонинг хоҳиш ва қудратининг асари ҳам йўқдир», деб айтадилар.

Биринчи тоифа — Жабрийяларга шариат ва воқелик билан раддия берамиз.

Шариат билан раддия: Аллоҳ таоло банда учун ирода ҳамда хоҳишни исбот этиб, амални ҳам унга нисбат берди. Аллоҳ таоло айтади:

¹ Имом Муслим (2999).

﴿...مِنْكُمْ مَّنْ يُرِيدُ الدُّنْيَا وَمِنْكُمْ مَّنْ يُرِيدُ الْآخِرَةَ...﴾

«Орангизда дунё истаган кишилар ҳам, охират истаган кишилар ҳам бор» [Оли Имрон: 152].

﴿وَقُلِ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكُمْ فَمَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْفُرْ إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلظَّالِمِينَ نَارًا أَحَاطَ بِهِمْ سُرَادِقُهَا...﴾

الآية

Сиз: «Бу ҳақ Раббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсин, ким хоҳласа, куфр келтирсин», деб айтинг. Албатта, Биз золимларга деворлари уларни ўраб оладиган оловни тайёрлаб қўйганмиз» [Каҳф: 29].

﴿مَنْ عَمِلْ صَالِحًا فَلِنَفْسِهِ وَمَنْ أَسَاءَ فَعَلَيْهَا وَمَا رَبُّكَ بِظَلَّامٍ لِلْعَبِيدِ 46﴾

«Ким солиҳ амал қилса, ўзига фойда. Ким ёмонлик қилса, ўзига зарар. Раббингиз бандаларга зулм қилгувчи эмас» [Фуссилат: 46].

Воқелик билан раддия: ҳар бир инсон ўз хоҳиши билан қилаётган ейиш, ичиш, савдосотиқ сингари ихтиёрий ишлари билан, ихтиёрдан ташқари ҳароратининг кўтарилиши, титроқ босиш ва баландликдан йиқилиб тушиш сингари содир бўлган ишларнинг ўртасини фарқлай олади. Яъни, у биринчи ҳолатда мажбурланмай, ўз ихтиёри билан

ҳаракат содир этган, иккинчи ҳолатда эса, содир бўлган нарса унинг хоҳишисиз ва ихтиёрисиз бўлгандир.

Иккинчи тоифа — Қадарийяларга ҳам шариат ва ақл билан раддия берамиз.

Шариат билан раддиямиз шуки, Аллоҳ таоло барча нарсаларнинг Яратувчисидир. Ҳар бир нарса Унинг хоҳиши билан вужудга келади. Аллоҳ таоло ўзининг Китобида бандаларнинг амаллари ҳам Аллоҳ таолонинг хоҳиши билан содир бўлишини баён қилиб, шундай деди:

﴿...وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلْنَا الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ الْبَيِّنَاتُ وَلَكِنْ أَخْتَلَفُوا فَمِنْهُمْ مَنْ ءَامَنَ وَمِنْهُمْ مَنْ كَفَرَ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلُوا وَلَكِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ﴾

«Агар Аллоҳ хоҳлаганида, улардан кейин қолганлар ўзларига очиқ-ойдин баёнотлар келганидан сўнг урушмас эдилар. Лекин ихтилоф қилдилар. Улардан кимдир иймон келтирди, кимдир куфр келтирди. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, урушмас эдилар. Лекин Аллоҳ нима хоҳласа, шуни қилади» [Бақара: 253].

﴿وَلَوْ شِئْنَا لَآتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدًى وَلَكِنْ حَقَّ الْقَوْلُ مِنِّي لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ 13﴾

«Агар хоҳлаганимизда, ҳар бир жонга ўз ҳидоятини берар эдик. Лекин мендан: «Албатта, жаҳаннамни жинлар ва одамларни жамлаб тўлдираман», деган сўз ҳақ бўлди» [Сажда: 13].

Ақл билан раддиямиз эса, бутун борлиқ Аллоҳ таолонинг мулкидир. Инсон эса шу борлиқнинг бир қисмидир. Демак, у ҳам Аллоҳ таолонинг мулки. Зотан, қул ҳожасининг мулкида ҳожанинг изни ва хоҳиши билангина тасарруф қилиши мумкин.

*

Ислом ақидасининг мақсадлари

«Мақсад» сўзининг мазмуни кўп бўлиб, шулардан бири: «интилиш учун қўйилган ғоя ва қасд қилинган барча нарсадир».

Ислом эътиқодининг мақсад ва буюк ғоялари шу эътиқодни қабул қилишга асосланади. Бу ғоя ва мақсадлар кўп ва хилма хил бўлиб, уларнинг баъзилари қуйидагилардир:

Биринчи: Ният ва ибодатни Аллоҳ таоло учун холис қилиш. Чунки, Аллоҳ таоло шериги

бўлмаган яратувчи Холиқдир. Демак, мақсад ва ибодат Аллоҳ таолонинг Ўзи учунгина бўлиши фарздир.

Иккинчи: Қалб ушбу ақийдадан холи бўлганлиги туфайли юзага келадиган тартибсиз ва чалкаш-чулкаш нарсалардан фикр ва ақлни тозалаш. Чунки кимнинг қалбида бу эътиқод бўлмаса, фақат ҳиссий нарсага ибодат қилувчи бандага айланади ёки ақидаларнинг адашувлари ва афсоналари орасида дарбадор бўлиб адашиб юради.

Учинчи: Фикрий ва руҳий роҳат.

Яъни руҳи безовта, фикри беқарор бўлмайди. Чунки, бу эътиқод мўминни ўз Яратувчисига боғлайди. Шунда у Аллоҳни бошқарувчи Рабб, қонун чиқарувчи Ҳоким, деб рози бўлади. Қалби Аллоҳнинг тақдиридан тасалли топади, Ислом билан тўлади ва унинг ўрнига бадал изламайди.

Тўртинчи: Аллоҳ таолога ибодат қилишда ёки бандалар билан муомала қилишда ният ва амалнинг хурофотлардан саломат бўлиши. Чунки бу эътиқоднинг асосларидан бири – пайғамбарларга иймон келтириш бўлиб, ният

ва амалда уларнинг тўғри йўлларига эргашишни ҳам ўз ичига олади.

Бешинчи: Ишлардаги қатъият ва жиддият. Мўмин савоб умидида солиҳ амалларни қилиш учун ҳар бир фурсатни ғанимат билади ҳамда жазодан қўрқиб, гуноҳ содир этилаётган ўринлардан олис бўлади. Чунки, у — қайта тирилиш ва амалларга лойиқ мукофот берилишига иймон келтиради.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلِكُلِّ دَرَجَتٍ مِّمَّا عَمِلُوا وَمَا رَبُّكَ بِغَفِلٍ عَمَّا يَعْمَلُونَ﴾ (132)

«Ҳар кимга қилганларига яраша даража бордир. Ва Раббингиз уларнинг қилаётган амалларидан ғофил эмасдир» [Анъом: 132]. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги сўзлари билан ушбу ғояга ундаганлар:

«الْمُؤْمِنُ الْقَوِيُّ خَيْرٌ وَأَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنَ الْمُؤْمِنِ الضَّعِيفِ، وَفِي كُلِّ خَيْرٍ، اخْرَصَ عَلَى مَا يَنْفَعُكَ، وَاسْتَعِينَ بِاللَّهِ، وَلَا تَعْجِزْ، وَإِنْ أَصَابَكَ شَيْءٌ فَلَا تَقُلْ: لَوْ أَنِّي فَعَلْتُ كَذَا كَانَ كَذَا وَكَذَا، وَلَكِنْ قُلْ: قَدَّرَ اللَّهُ وَمَا شَاءَ فَعَلَ؛ فَإِنَّ (لَوْ) تَفْتَحُ عَمَلَ الشَّيْطَانِ»

«Кучли мўмин заиф мўминдан кўра яхшироқ ва Аллоҳга севимлироқдир. Уларнинг ҳар иккисида ҳам яхшилик бор. Ўзингизга фойдали бўлган нарсага ҳарис бўлинг ва Аллоҳ таолодан ёрдам сўранг, ожизлик қилманг! Агар бирор

мусибат етса: «Агар ундай қилсам, бундай бўлар эди», деб айтманг. Чунки, «агар» сўзи шайтоннинг амал (йўл)ларини очади». Муслим ривояти.¹

Олтинчи: Ўз динини ўрнатиш ва дин устунларини мустаҳкамлаш учун ўзидаги қадр-қимматли бўлган барча нарсаларни фидо этадиган ва бунинг йўлида этадиган мусибатларга эътибор бермайдиган кучли умматни вужудга келтириш. Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ لَمْ يَرْتَابُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَٰئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ 15﴾

«Албатта, ҳақиқий мўминлар Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган, сўнгра шубҳа қилмаган ва Аллоҳнинг йўлидан моллари ва жонлари ила жиҳод қилганлардир. Ана ўшалар, ўшаларгина (иймонида) содиқлардир» [Ҳужурот: 15].

Еттинчи: Шахс ва жамоаларни ислоҳ қилиш билан дунё ва охират бахт-саодатига ҳамда Аллоҳ таолонинг ажр ва савобларига эришиш. Аллоҳ таоло айтади:

¹ Имом Муслим (2664).

﴿مَنْ عَمَلْ صَالِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أَنَّى وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهٗ حَيَوةً طَيِّبَةً
وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُمْ بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾ (97)

«Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва, албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз» [Наҳл: 97].

Бу санаб ўтганларимиз, Ислom эътиқoдининг мақсад ва

ғояларининг баъзилари, холос. Биз Аллоҳ таолодан бу мақсадларни ўзимиз ва барча мусулмонлар учун рўёбга чиқаришини тилаб қоламиз. Албатта У Зот карим ва саҳийдир. Оламлар Рабби Аллоҳга таолога ҳамдлар бўлсин.

Набийимиз Муҳаммадга, У зотнинг оилалари ва барча асҳобларига Аллоҳ таолонинг салавоту саломи бўлсин.

Муаллифининг қалами билан тамом этилди.
Муҳаммад Солиҳ Усаймин

Мундарижа

Исломий эътиқод рисоласи.....	2
Исломий эътиқод ҳақида илмий асар	2
Муқаддима	2
Ислом дини	4
Ислом рукнлари	11
Ислом ақидасининг асослари.....	16
Аллоҳ таолага иймон келтириш.....	17
Фаришталарга иймон келтир	40
Китобларга иймон келтириш	48
Пайғамбарларга иймон келтириш	51
Охират кунига иймон келтириш	62
Қадар (тақдир)га иймон келтириш.....	88
Ислом ақидасининг мақсадлари	105